

ISSN 2181-9521

№ 2-son, 2019



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



# Ўзбекистон Республикаси

# Шавкат Мирзиёевнинг Олий (2018 йил)



Юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон миллати, тили ва динидан қатъи на-  
зар, эркин, тинч ва бадавлат умр кечириши, бугун ҳаётдан рози бўлиб яшаши  
– бизнинг бош мақсадимиздир.

Сўнгги йилларда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукук соҳаси-  
ни такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширил-  
моқда.

Бу ўзгаришлар инсон хукуклари ва эркинликларини таъминлаш, одил судловга  
эришиш, хукуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини такомиллаштиришга  
қаратилган.

Биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақ-  
садида, судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада тако-  
миллаштириш лозим.

Судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақил-  
лиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнда кенг жамоатчилик иштиро-  
кини таъминлаш зарур.

Бунинг учун туман, шаҳар ва вилоят суди судьяларини танлаш ва тайинлаш  
вазифасини Судьялар олий кенгаши тўлиқ ўз зиммасига олиши мақсадга муво-  
фиқдир. Бу борада жамоатчилик фикри ва судьяларнинг улар олдида ҳисобот бе-  
риши масаласи ўз ифодасини топиши зарур.

Одамлар тинч яшаши учун бутун мамлакатимизда жиноятдан холи мухит  
яратишимиш шарт.

# ликаси Президенти Мажлисга Мурожаатномаси 28 декабрь)



Биз ички ишлар вазирлиги тизимида ваколат ва функцияларни қүйи бўгинга тушириб, уни чинакам халқчил тизимга айлантиришимиз зарур.

Бу борада илмий ёндашув ва илгор ахборот-коммуникация технологияларини жадал жорий этамиз.

Ҳар бир жиноят ёки ҳукуқбузарликнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ҳар қайси худуд ўз тажрибасини яратиши керак.

Биз қанчалик қийин бўлмасин, чекка-чекка ҳудудларда ҳам “Жиноят ҳақиқати ваadolati” тамоилини албатта жорий этишимиз керак. Яъни, жиноят сўзсиз фос этилиши ва айбдор жазоланиши шарт.

Бу масалага фақат ҳукуқ-тартибот органларининг вазифаси, деб қарамасдан, бутун жамиятимиз бирлашиб, қаттиқ кураши олиб бориши зарур.

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида ҳар бир йил улкан дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, юртимизни равнақ топтириш бўйича янги янги ютуқлар, билим ва тажрибалар даври бўлиб қолмоқда.

Биз янги йилдан бошлиб сиёсий ҳаётимизда яна бир амалиётни жорий этамиз. Кирриб келаётган йилнинг бош ҳужжати бўлган Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича Боз вазир ва ҳукумат аъзолари амалга оширилган ишлар ҳақида Сенат ва Қонунчилик палатаси олдида ҳар чоракда ҳисобот бериб боради.

Нияти улуг ҳалқнинг – иши ҳам улуг, ҳаёти ёргу ва келажаги фаровон бўлади.

Биз демократик ислоҳотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга – янги, юксак мэрралар сари борамиз.

**«ODILLIK MEZONI»**  
илемий-амалий,  
хуқуқий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Хамкорлар**

Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**

Кенгаш раиси

Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**

Козимжон КАМИЛОВ

Акмал САИДОВ

Дилшод АРИПОВ

Комил СИНДОРОВ

Ахтам ТУРСУНОВ

Худоёр МАМАТОВ

**Бош мухаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

**Ижодий гурӯҳ**

Набижон ЖАЛОЛОВ

Нозимжон АШУРАЛИЕВ

Мусулмонбек ИБРОХИМОВ

Муслима АСАТУЛЛАЕВА

**Сахифаловин дизайнер**

Шокиржон АЛИБЕКОВ

**Навбатчи мухаррир**

Набижон ЖАЛОЛОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон карори  
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй

**Электрон манзил:**

odillikmezonii2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
1 февралда 0972-ракам билан  
қайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Хар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал  
лардан фойдаланилганда, манба кайд  
этилиши керак.

Босишга 14.03.2019 да руҳсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма №19-06 Адади 2000

“Маънавият” нашриётининг  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100047, Тошкент  
шаҳри, Тараққиёт 2-берк кўчаси, 2-йй

# МУНДАРИЖА

Кун мавзууси

6-бет

**“Янги Ўзбекистон  
тараққиётига ҳисса  
кўшиш – яратганинг  
ўзи бизга берган  
тариҳий имконият”**

Мутахассис мулоҳазаси


12-бет

**Суд тизимида кадрларни  
касбий тайёрлаш,  
қайта тайёрлаш,  
малакасини ошириш  
тизимиға инновацион  
ёндашув**



19-бет

**Ибрат**




Қиёсий таҳлил

20-бет

**Профессионал ва  
етук судьялик корпусини  
шакллантиришнинг  
янгича механизми**






**Давлат идоралари фаолияти  
устидан жамоатчилик назорати**



**Суд ҳокимияти  
мустақиллигини  
таъминлашга оид  
халқаро стандартлар**



**Банкротлик таомиллари:  
суд бошқарувчилари фаолияти  
тубдан такомиллаштирилмоқда**



**Юлдузни бенарвон урган йигит**

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИГА ҲИССА ҚЎШИШ – ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ БИЗГА БЕРГАН ТАРИХИЙ ИМКОНИЯТ”

**Ўтган 2018 йил Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичидаги кенг кўламли ислоҳотларга янгича ёндашув ва янгича рух берганлиги билан ҳам тарихий аҳамият касб этади.**

**2018 йилда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида унтуилмас воқеа-ҳодисалар жуда кўп бўлди. Хусусан, 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мамлакатимизни янада ривожлантиришида концептуал аҳамиятга эга бўлган Мурожаатнома билан чиқди.**



Ислоҳот ўзгариш, янгиланиш маъноларини билдиради. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида ижтимоий ҳаёт ўзгариши билан бирга, одамларнинг тафаккурида, фикрлашида, қарашларида ўзгариш рўй берди. Давлатимиз раҳбари “Ислоҳотлар натижа бериши учун, биринчи навбатда, одамларимиз, уларнинг ҳаётга нисбатан қарашлари ўзгариши керак”, деб бежиз таъкидламайди. Президентимиз Мурожаатномада ушбу муҳим масала ҳақида яна бир бор тўхталиб, қўйидаги стратегик гояни илгари сурди. “Янги Ўзбекистон тараққиётига ҳисса қўшиш – Яратганинг ўзи бизга берган тарихий имконият, десак, тўғри бўлади. Барчамиз буни чуқур англашимиз, қадрига етишимиз зарур”.

Кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш ва мамнуният билан кутиб олинган Мурожаатномада Давлат ва жамият ҳаётида амалга ошириләётган барча ислоҳотларга атрофлича тўхталиб ўтиш баробарида, ол-

димизда турган жиҳдий вазифалар, жумладан, Ўзбекистон тараққиётининг навбатдаги босқичида ҳам, биринчи навбатда, “одамларни рози қилиш”, уларнинг яшаш шароитини ҳар томонлама яхшилаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари инсонпарвароялар бош мақсад сифатида белгиланди.

Бунинг учун энг муҳими, “ҳали фақат қоғозда бўлган бу режа ва дастурларни амалий ишларга, реал натижага айлантириш учун барчамиз биргаликда қаттиқ меҳнат қилишимиз керак”лиги уқтириб ўтилди.

Эътиборингизга тақдим этилаётган мазкур давра сұхбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларининг “2019 йилнинг бош ҳужжати бўлган ушбу Мурожаатнома”нинг мамлакатимиз тараққиётидаги амалий аҳамияти, унда белгиланган устувор вазифалар тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари билан яқиндан танишасиз.

**Ҳотамжон КЕТМОНОВ,**  
Ўзбекистон ҲДП фракцияси раҳбари,  
Қонунчиллик палатаси Спикери ўринбосари:

## “ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ, ҚАТЪИЙ ТАРТИБ-ИНТИЗОМ ВА ШАХСИЙ ЖАВОБГАРЛИК КУНДАЛИК ҚОИДАМИЗГА АЙЛАНАДИ”

– Мурожаатномада Президентимиз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан стратегик аҳамиятга эга, жамиятимиз ҳаётини, фуқароларимизнинг фаровон турмушини таъминлашга доир муҳим масалаларга эътибор қаратди.

Жумладан, 2030 йилгача “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини амалга оширишни таклиф этди. Бу иқтисодиётда ва ҳаётнинг бошқа соҳаларида илгор ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этишга, коррупцияга қарши самарали курашишга ёрдам беради.

Бугунги кунда мамлакат ривожланиш ва тараққиёти йўлида муҳим масала экспортга йўналтирилган иқтисодиётга ўтиш, ички бозорда рақобат муҳитини шакллантиришимиз зарурлиги хусусида кўрсатмалар берилди.

Айтиш керакки, транспорт-логистика тизимини такомиллаштириш жараёнида ҳам турли тўсиқлар мавжуд. Масалан, мамлакатимизнинг денгизга чиқиш имконияти чеклангани учун маҳсулотни экспорт қилинганда кўплаб қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Шу боис, “Ўзбекистан Эйрвейс” ва “Ўзбекистон темир йўллари” компаниялари товарларимизни экспорт қилиш бўйича замонавий логистика йўналишларини яратиши зарурлигига ургу қаратилди.

Яна бир муҳим масала, иқтисодиётни бошқаришда давлат аралашувини кескин камайтириш лозим. Бугунги кунда Ўзбекистонда 603 та акциядорлик компанияси фаолият олиб бораётган бўлса, шундан 486 тасида давлат улуши бор. Ёқилги-энергетика, нефть-газ, кимё, транспорт ва банк соҳаларида давлат иштироки юқори даражада сакланиб қолаётгани уларни ривожлантириш, ушбу соҳаларга инвестицияларни жалб этишга тўскىнлик қилмоқда.

Партиямизнинг сайловолди дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, аҳолининг фаровонлигини ошириш вазифалари устувор этиб белгиланган.



Маърузада мазкур йўналишда қамрови кенг, моҳияттан юксак ишлар амалга оширилиши айтиб ўтилди. Хусусан, келгуси йилда ҳам қишлоқ жойларда партиямиз электорати учун арzon намунавий уй-жойлар куриш дастурларини босқичма-босқич амалга ошириш, энг кам иш ҳақини белгилаш тизимини қайта кўриб чиқиш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни энг кам иш ҳақига боғлаб қўйишга барҳам бериш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, пенсия тўловининг энг юқори миқдори бўйича чеклов ҳам кела-жакда олиб ташланиши режалаштирилгани айтилди.

Алоҳида таъкидлашни истардимки, мамлакатимиз ҳаётida амалга оширилаётган том маънодаги ислоҳотлар жараёнида биз сиёсий партиялар вакиллари олдида жуда катта масъулият турибди.

Парламент вакили ва сиёсий партия етакчиси сифатида олдимизда катта вазифалар турганини янада чуқурроқ ҳис этдик. Фаолиятимизда танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик кундалик қоидамизга айланиши лозим. Шулардан келиб чиқсан ҳолда, парламентдаги партиямиз фракцияси ва минтақавий партия ташкилотларимиз аҳоли, хусусан, электоратимиз бўлган ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлар учун муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш, ушбу жараёнда дуч келаётган камчиликлардан кўз юммай, уларни самарали ҳал қилиш бўйича пухта таклифлар устида ишлашимиз ҳамда бу борадаги амалий ишларда фаол иштирок этишимиз зарур.



**Наримон УМАРОВ,**

“Адолат” СДП фракцияси раҳбари,  
Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси  
Спикери ўринбосари:

## “ПАРЛАМЕНТ – ИСЛОХОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ ВА НАЗОРАТЧИСИГА АЙЛАНИШИ ЛОЗИМ”

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳам замонавий Ўзбекистон тарихида мамлакатимизнинг келгуси йиллардаги ривожланишининг энг устувор йўналишларини белгилаб берувчи муҳим воқеликка айланди.

Мурожаатномада кўтарилиган энг устувор foя ҳам барча соҳалардаги ўзгариш ва янгиланишлар, энг аввало, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси фаровон, ҳаётдан рози бўлган ҳолда яشاшига эришиши лозимлигига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда барча даражадаги раҳбарлар ҳамда ҳалқ депутатлари фаoliyatини танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик асосида ташкил этиш зарурлиги қайд этилди. Бу эса, барча-барчамидан янгича фикрлаш, мashaқатли меҳнат ва тинмисиз саъй-ҳаракатни талаб этади.

Биз жойларда амалга оширган ўрганишларимиз, сайловчиларимиз билан учрашувлар давомида ўтган йилда амалга оширилган ишларни халқимизнинг ўз тумани, қишлоғи, маҳалласидаги ўзгаришларда кўриб, ислоҳотларга, эртанги кунига умид пайдо бўлаётганинг гувоҳи бўляяпмиз. Бундан ташқари, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя каби соҳаларда кўпгина муаммоларни кўрардикки, уларни молиявий манбаларсиз ҳал этиш имкони бўлмасди. Шунингдек, одамларимиз кайфиятига бевосита таъсир этувчи муносаб иш ўрни ва шунга яраша иш ҳақи билан таъминлашда ҳам иқтисодий барқарорлик алоҳида аҳамиятга эга.

Мурожаатномада бир қатор соҳалар қатори Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси ва Сенатига берилган янги ваколат ва ишонч парламентни энди нафақат қонун чиқарувчи ёки парламент назоратини амалга оширувчи институт, балки ислоҳотларнинг бевосита иштирокчisi, асосий ҳаракатлантирувчи кучига айла-



нишига замин бўлади. Бунда демократия тамойилларидан келиб чиқсан ҳолда, халқимизнинг ўз вакиллари орқали давлат бошқарувини ташкил этишдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини ҳам Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиёти жорий қилинади. Бу Ҳукумат аъзоларининг Парламентга муносабатини тубдан ўзgartириш билан бирга, сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини янада оширишга, улар ўртасида ҳокимиятда кўпроқ жой эгаллаш ва шу орқали ўз дастурини тўлиқ амалга ошириш, электорати манфатини рўёбга чиқариш учун рақобат муҳитини кучайтиради.

Ўз навбатида, бу партиялар зиммасидағи масъулият ҳиссини ошириш баробарида партия сафларига ҳар бир соҳада малакали кадрларни топиб, уларни давлат бошқарувининг масъулиятли лавозимларига тавсия этиш вазифасини қўяди.

Иккинчи томондан, бу эндиликда малақали кадрларнинг ўзи ҳам сиёсий партиялар сафида фаол иштирок этишлари учун катта туртки бўлади, деб ўйлайман.

Шунингдек, 2019 йилда парламент олдида яна бир мұхим масала — тўғридан-тўғри ишловчи қонунларни қабул қилиш масаласи турибиди, бу депутатлардан қонун ижодкорлиги жараённада янгича ишлаш, хориж тажрибасини жорий этишни ҳамда профессионал жиҳатдан етук бўлишларини талаб этади.

Қонунларда ҳавола нормалари ҳақиқатдан ҳам кўп экани Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йигилишларида бир неча бор кўтаришганди. Шу муносабат билан фракциянинг 2019 йилдаги фаолияти асосий йўналишларидан бири, қонунларни яна бир бор хатловдан ўтказиш орқали кейинги йиллар ичida қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини аниқлашдан иборат бўлади.

**Сарвар ОТАМУРОДОВ,**  
ЎзМТДП фракцияси раҳбари,  
Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси  
Спикери ўринbosари:

## “МУРОЖААТНОМА – ЯНГИ ИСЛОХОТЛАР ПОЙДЕВОРИ БЎЛМОҚДА”

– Давлатимиз раҳбари парламентнинг мұхим қарорлар қабул қилиш ва қонунлар ижросини назорат этиш фаолиятини жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини Олий Мажлис томонидан тасдиқлаш амалиётини киритишини таклиф этгани кўпчилик депутатларнинг юрагидаги гап бўлди. Чунки, айни пайтда Конституцияга мувофиқ парламент факат Бош вазирни тасдиқлар эди. Лекин вазирларни лавозимга кўйишда қатнашмагани боис Ҳукумат аъзолари парламент олдида масъулиятни етарли даражада ҳис этмаслиги маълум эди. Эндиликда бўлаҗак вазирнинг парламент аъзолари олдида соҳани ривожлантириш бўйича ўз дастурини ҳимоя қилиши ва унга эришиш йўлла-

рини асослаб бериши ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга, бир ёқадан бош чиқарип ишлашга ундейди.

Шунингдек, Президентимиз 2019 йилдан бошлаб Мурожаатномада баён қилинган ҳар бир устувор йўналиш бўйича бажарилган ишлар ҳақида олий вакиллик органларида ҳисоботларни эшитиш амалиётини йўлга кўйиш зарурлигини қайд этди. Эътиборлиси, бу жараённинг оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритилиши, шу тариқа фуқароларнинг Мурожаатномада белгиланган вазифалар ижроси бўйича олиб борилаёт-





ган ишлардан хабардорлигини таъминлаш имкони яратилиши айни муддао бўлади.

Жойларда партия ташкилотларининг депутатлик ўринлари учун муносиб баҳс олиб бориши, қолаверса, партия гурӯхларининг эмин-эркин фаолият юритиши, кўтараётган масалалари юзасидан ҳалқ депутатлари Кенгаши сессияси қарорларининг қабул қилинишида ҳокимнинг Кенгаш раиси эканлиги маълум маънода салбий таъсир кўрсатар

эди. 2019 йилда ушбу тартиб бекор қилинаганда ижобий якун бўлди, дейиш мумкин. Ва бу ислоҳот партия гурӯхлари орасида соғлом рақобатни шакллантиришга хизмат қиласади, энг муҳими, депутатларнинг жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари фаолиятига оид камчиликларни очиқ-ойдин ўртага ташлай олиши имкониятини кенгайтиради.

**Борий АЛИХАНОВ,**  
Экоҳаракат депутатлик гурӯхи раҳбари,  
Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари:

## “ОРОЛ МИНТАҚАСИ УЧУН ТРАСТ ФОНДИННИГ ТУЗИЛИШИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИННИГ КАТТА ЮТУГИ БЎЛДИ”

– Мурожаатномада экологик хавфсизлик, биринчи навбатда, сув ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш доимо эътиборимиз марказида туриши зарурлигини таъкидлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Оролбўйи минтақаси учун Инсон

хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикларни асосида траст фондининг тузилиши ўзбек дипломатиясининг катта ютуғи бўлганлиги алоҳида эътироф этилди. Бу бежиз эмас, сабаби, ушбу Жамғарманинг асосий мақсади нафақат ҳудудни ўрмонлаштириш, балки ахолининг турмуш фаолияти билан боғлиқ бўлган тиббий, иқтисодий ривожланиш, экологик вазият, ижтимоий ҳимоя ва бошқа шу каби соҳалар билан боғлиқ бўл-



ган Оролбўйининг зарурий муаммолари-ни ҳам ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашувни таъминлашдан иборатdir.

Ер куррасида содир бўлаётган ҳозирги аномал табиий ўзгаришлар, жиддий экологик инқизоз, унинг натижасида вужудга келаётган мураккаб геосиёсий вазият дунё ҳамжамиятини ҳар қачонгидан ҳам кўра бирлашишга, ҳамкорлик ва ҳамжихатлика ундамоқда.

Атроф-мухитга ҳаддан ташқари кўп чиқарилаётган заарли моддалар шу пайтгача абадий музликлар дея эътироф этиб келинган Арктика ёки Гренландия музликларининг аста-секин эриб боришига ва дунё океанлари сатхининг сезиларли кўтарилишига сабаб бўлаяпти. Иқлимшунос олимлар, эколог эксперталар бу инсоният бошига муқаррар ҳалокат солишидан ташвишланиб, бонг уришмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирда сайёрамиз экологик бекарорлик чегара-сига келиб қолди. Гап шундаки, бугунги экологик таназзул дунёning қайси бир қитъасида ёки минтақасида вужудга келмасин, у бутун инсониятнинг тақдирига таъсир кўрсатмоқда.

Орол муаммоси ҳам бугунги кунда кўплаб мамлакатларнинг, улар аҳолиси-нинг тақдирига таъсир ўтказаяпти. Яқин ўтмишда жаҳондаги ёпиқ денгизлар орасида катталиги жиҳатдан тўртинчи ўринда бўлган Орол денгизи ўрнида Қизилкум

ва Қорақум саҳролари ўртасида майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган янги "Оролқум" саҳроси пайдо бўлди. Орол денгизи фожиаси дунёдаги энг йирик экологик фожиалардан бири бўлиб, нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлатлар учун қатор экологик, ижтимоий-иқтисодий, тиббий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди. Қуриган денгиз тубидан кўтариладиган қум ва туз бўронлари борган сари авж олмоқда. Ушбу ҳолат эса иқлим ўзгариши шароитларида кўзга ташланмоқда. Худуддан ҳар йили бир неча минг километр масоғагача 100 миллион тоннадан ортиқ қум ва туз зарралари тарқалмоқда.

Мурожаатномада экологик вазиятни яхшилаш бўйича бир қатор концептуал вазифалар қўйилди. Шундан келиб чиқиб, экологик муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланиш мақсадида мамлакатимизда илк бор Ўзбекистон Экологик партияси вужудга келди.

Шубҳасиз, Орол экологик фожиаси оқибатларининг Оролбўйи аҳолиси ва атроф муҳити учун салбий таъсирини юмшатиш, шунингдек, мамлакатнинг бошқа экологик ноқулай ҳудудларида табиий муҳитни соғломлаштиришга эришиш янги партияниң асосий дастурий мақсад ва вазифаларидандир.

**Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлadi.**



# СУД ТИЗИМИДА КАДРЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ, МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

**Худойқул АЗИЗОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузурида-  
ги Давлат бошқаруви  
академияси ўкув ишилари  
бўйича биринчи  
проректори, юридик  
фанлари номзоди, доцент

## СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАРНИ ЎҚУВ КУРСЛАРИГА ТАНЛАБ ОЛИШ

Судьяликка номзодлар учун уларнинг келажакда эгаллайдиган вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда кириш имтиҳонларини алоҳида мезонлар билан ўтказиш мақсадга мувофиқ. Кириш имтиҳонлари компонентлари судьяларни касбий тайёрлаш бўйича давлат талабларига жавоб бериши ва судья компетенцияларини тўлиқ ўрганишга қартилиши лозим.

Судьяликка номзодларни ўкув курсларига танлаб олиш жараёнида уларнинг назарий билимлари ва шахсий кўнинма ҳамда сифатлари судьяларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими, шакли, мазмуни, сифати, ўкув юклamasи, назорат ва баҳолаш тизимини ўз ичига олган давлат талабларига мос келишини қатъий назорат қилиш лозим.

Кириш имтиҳонларининг низоми ишлаб чиқилиши ва унда номзодларни танлаб олиш тартиби батафсил ёритилиши лозим.

Кириш имтиҳонлари ҳар йили бир йил давомида тайёргарликдан ўтадиган номзодлар учун Судьялар олий кенгаши томонидан Олий суд билан келишилган ҳолда доимий равишда фаолият юритадиган 7 кишидан иборат маҳсус комиссия томонидан ҳамкор ташкилотлар экспертларини жалб қилган ҳолда аниқ санада ўтказилиши мақсадга мувофиқ.

Имтиҳоннинг назарий саволларини ўз ичига олган дастур судьяликка номзодларнинг билимларини тўлиқ ўрганиш учун ҳуқуқнинг барча соҳалари (маъмурий, фуқаролик, жиноят ва бизнес ҳуқуки)ни қамраб олиши ва имтиҳонга 6 ой қолганда эълон қилиниши лозим. Бу тартиб номзодларга олдиндан тайёргарлик кўришга имкон беради.



Кириш имтиҳонлари Судьялар олий кенгаши томонидан ташкил этилиши ва халқаро тажрибадан келиб чиқсан ҳолда қўйидагилардан ташкил топиши лозим: 1) ёзма компонент; 2) оғзаки компонент; 3) психологияк компонент.

Ёзма имтиҳон судьяликка номзодлар орасида аноним тарзда ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, кейинги босқичларга саралаш вазифасини бажаради. Имтиҳон аноним тарзда ўтказиш кейинги босқичга энг муносаб номзодларни танлаб олишда объектив ёндашиш имконини беради.

Ёзма имтиҳон номзодларнинг назарий билимларини текшириш учун тестлардан, вазиятга ҳуқуқий баҳо бера олиш, қонун нормаларини талқин қилиш ва қўллаш қўнинмаларини синаш учун казусга ҳуқуқий ечим топиш каби қисмлардан иборат бўлиши тавсия қилинади.

Имтиҳоннинг оғзаки қисми эълон қилинган назарий саволлар доирасида номзод билан сұхбат ўтказишни кўзда тутади, саволларга жавоблар натижасида номзоднинг ҳуқуқий онги, вазиятларга баҳо бера олиши ва умумий дунёқараши баҳоланади. Оғзаки



сұхбатда номзоддан сиёсий жараёнларға бақо бериш ҳақида сұраш мақсадға мувоғиқ әмас.

Имтихоннинг психологияк компоненти номзодларнинг психологияк барқарорлиги, мантиқий фикр юрита олиши, интеллектуал ва эмоционал етеклиги дарајасини аниклашға қаратылған бўлиб, маҳсус тестлар (мисол учун Рейвен тести) ечишни на- зарда тутади.

Судьяликка номзодларни танлаб олишда имтиҳон босқичини жорий этиши халқаро тажрибада синарган амалиёт бўлиб, Францияда умумий юрисдикция судларига номзодларни танлаб олиш имтиҳонида прокурор ва судьялар иштирок этишлари шартлиги белгиланган.

Германияда бўлажак судьялар учун маҳсус тайёрлов курслари мавжуд бўлмасдан, барча юридик кадрлар (судья, прокурор, адвокат) бир хил тарзда давлат имтиҳони топширадилар ва бир хил дастурда амалиёт ўтайдилар.

Судьяликка номзодлар юридик университетни тугатганидан кейин биринчи давлат имтиҳони, амалиётни тугатиб, иккинчи давлат имтиҳонини топширадилар. Биринчи давлат имтиҳони икки қисмдан иборат бўлиб, давлат имтиҳон кенгаши томонидан маҳбурий предметлар бўйича, университет факультети томонидан эса танлов асосидаги предметлардан қабул қилинади. Иккинчи давлат имтиҳони федерал ерлар адлия вазирлиги ҳузуридаги давлат органи томонидан ўтказилади ва бу имтиҳон кенгаши аъзолари асосан амалиётчи судьялар, адвокатлардан ташкил топади.

Японияда юридик мактабни тугатган битириувчилар юридик амалиёт билан шугулланмоқчи бўлсалар, дастлаб Миллий юридик имтиҳон (шиҳо шакен) топширишилари, кейин юрист-стажер этиб тайинланишилари, охирида эса Юристлар малакасини ошириш ва хуқуқий тадқиқотлар институтида таълим олишлари керак бўлади.

## СУДЬЯЛИККА НОМЗОДЛАРНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ МУДДАТИ ВА ТАҚСИМОТИ

Судьяликка номзодларни танлаб олишда имтиҳон регламенти судьялик лавозимларига номзодларни қайта тайёрлаш Судьялар олий мактаби томонидан Судьялар олий кенгаши ва Олий суд билан келишган ҳолда тасдиқланадиган низомга мувоғиқ белгиланиши лозим. Бунда имтиҳон комиссияси аъзоларининг ярмини амалиётчи судьялар, иккинчи ярмини олимлар ва бошқа амалиётчи хуқуқшуносалар ташкил этиши, шунингдек, имтиҳон комиссияси аъзолари қарорлари устидан шикоят қилиш хуқуқи таъминланган бўлишига алоҳида эътибор бериши лозим.

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш белгиланди.

Ўкув режасида дастлабки 3 ой назарий билим ва амалий кўнкималар олиши, 2 ой прокуратура ва ички ишлар органларида, 2 ой адвокатлик тузилмаларида, 4 ой ихтисослиги бўйича тегишли судларда касбий тайёргарликдан ўтганликларидан сўнг охирги бир ой аттестациядан ўтиши мақсадға мувоғиқдир.



Тавсия қилинаётган тартибда бўлажак судьялар ўзлари фаолият юритадиган суд тизими билан ҳамкорликда иш олиб борадиган прокуратура органлари ва адвокатлик фаолиятини ўрганганд ҳолда тажриба ошириши мумкин бўлади. Прокурор ва адвокат фаолиятини яхши билиши судьяга келажакда суд жараёнида бетарафлик ва тенгликни таъминлашга ёрдам беради.

*Германия ва Франция амалиётидан келиб чиккан ҳолда, судьялар номзодларни 10 ойдан кам бўлмаган мuddat давомида қайта тайёрлаш, бунда 3 ой назарий тайёргарлик, 8 ой турли давлат органларида амалиёт ўташ ва 1 ой аттестация шаклида ташкил этиши самарали ҳисобланади. Бу билан ҳар тарафлама судья лавозимида ишлашга тайёр ва муносаб номзод тайёрлашга эришилади.*

Японияда юридик факультетларининг битирувчилари мазкур йўналишларда амалиётда ишлашни хоҳлашса, Адлия вазирлиги томонидан ҳар йили ўтказиладиган имтиҳонлардан ўтишлари керак. Бу имтиҳонларда кўйиладиган талаблар шунчалик қийинки, улардан факатгина 2-3% имтиҳон топширувчилар ўта оладилар холос. Имтиҳондан ўтган шахслар Олий суд ҳузуридаги икки йиллик адлия ходимларини тайёрлаш курсларига қабул қилинади ва бу курсларда улар нафақат назарий билимлар олишади, балки судларда (8 ой), прокуратура ва адвокатурда (4 ойдан) амалиёт ўтшади. Ушбу курсларни тамомлаб, янги имтиҳонларни топшириб, шунингдек маълум бир ишга тайинланганларидан кейингина улар ўз меҳнат фаолиятларини бошлашлари мумкин бўлади.

## ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Судьяларни ўқитиш бўйича ўкув модуллари, шу жумладан, мультимедиа модуллар, материаллар, ўкув видеороликлари яратишда маҳсус малакага эга бўлган, замонавий андрагогика бўйича таълим олган мутахассисларни (Education Specialist) таълим жараёнига кенг жалб қилиш лозим.

Судьяларни ўқитиш профессионал билим, малака ва кўникмаларни тингловчиларга сингдиришга қаратилган, ўқитишнинг такомиллашган методика ва усуllibарни кўллаб, информацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Судьяларни тайёрлаш муассасаси тингловчилари муайян назарий билимларга ва маълум ихтисослик бўйича меҳнат тажрибасига эга мутахассислар эканлигини ҳисобга олсан, АҚШ тажрибасида кенг қўлланиладиган таълим жараёнини - муаммоли ўқитиши (кейс-стади усулини қўллаш), тажрибали амалиётчи мутахассисларни кенг жалб этиши орқали замонавий андрагогикада қўлланиладиган ADDIE модели асосида (Analyze, Design, Development, Implementation and Evaluation) қайта кўриб чиқилиши ўқитиши сифатининг ошишига хизмат қиласди. Бу моделда катта ёшдаги тингловчиларни ўқитишида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади. Судьяларни ўқитиш бўйича электрон ўкув модуллари ва видеороликлар яратилади ва бу жараёнда маҳсус малакага эга бўлган таълим мутахассислари (Education Specialist) иштирок этади-

лар. Электрон ўқув модулларини яратишда дастурий таъминот воситаларидан (*Adobe Captivate, Ispring, Articulate Storyline* ва ҳоказо) фойдаланилади. Таълим мутахассисларининг асосий роли тингловчилар талабларини ўрганиш натижасида ўқув дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиши, яратиш ва амалда кўллашдан иборат. Таълим мутахассисларини масофавий таълим, каттаплар таълими ёки шу соҳага яқин ўйналиши бўйича бакалавр даражасини олган, андрографика ва каттапларни ўқитиши, ўқитиши технологиялари назарияси, ўқув жараёнини лойиҳалаштириши

таҗрибасига эга шахслар орасидан танлаб олиш тавсия қилинади. Шу билан бирга, халқаро тажриба таҳлили шуну кўрсатмоқдаки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида судьялар ва суд ходимларига таълим берувчи мутахассисларни танлашда улар учун каттапларга таълим бериш методологияси бўйича маҳсус тайёргарликдан ўтиш имконияти ҳам яратилиб берилиши мумкин. Чунки, суд-хукуқ тизими бўйича кучли эксперктларнинг ҳаммаси ҳам бошқаларга ўзлари билғанларини етказиб бера олиши қобилиятларига эга бўлмасликлари мумкин.

Судьяликка номзодларни ўқитишининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда Судьялар олий мактабида ўқув жараёнинда қўйидаги ўқитиши усусларидан фойдаланиш тавсия қилинади<sup>2</sup>.

№	Ўқитиши натижалари	Ўқитиши методикаси	Таъриф
1.	Билим	1.Маъруза	Атрофлича тайёрланган бир томонлама тақдимот
		2.Семинар	Ўқитувчи-эксперт билан тингловчиларнинг унча катта бўлмаган гурӯҳи
		3.Пленар муҳокама	Бир гурӯҳ эксперктлар томонидан намойиш қилинган қисқа тақдимотлар, кейинчалик муҳокамаси билан
		4.Кичик гурӯхларда муҳокама	Муҳокамада катта бўлмаган тингловчилар гурӯҳи иштирок этиши
		5.Интервью	Бир ёки бир нечта эксперт бошловчининг ёки тингловчилар саволларига жавоб бериши
2.	Кўнишка	1.Намойиш	Жараённи қандай амалга оширишни кўрсатадиган тақдимот
		2.Экспертнинг роль ўйини	Вазиятнинг ўқитувчи томонидан кўрсатиб берилиши
		Иштирокчининг роль ўйини	Иштирокчилар кўникаларни амалда синаб кўрадилар
		Симуляция	Казус сценарийси бўйича ўрганиш
3.	Атрибултлар	1.Критик ҳодиса	Иштирокчилар амалда бўлиб ўтган ҳодисани ўрганишади
		2.Гурӯҳ муҳокамаси	Муаммоларни ўрганиш ва баҳолаш учун муҳокама қилиш
		3. Кичик гурӯхларда ишлаш	Гурӯхларга бўлинган ҳолда, кичик гурӯхлар катта гурӯхларга ҳисобот бериш ва натижаларни муҳокама қилиш орқали

Бундан ташқари, суд кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Европа Ассоциацияси томонидан 2016 йили судьяларни ва суд ходимларини ўқитиши методологиясига оид маҳсус кўлланма яратилган (<http://www.ejtn.eu>). Ушбу кўлланмада катта ёшдагиларни ўқитишида кўлланиладиган ақлий ҳужум, пирамида, музёар, презентациялар қилиш, мунозара усувлари ва

бошқа ўқитиши усувлари намойиш этилган. Шунингдек, улар орасида кичик гурӯхларда ишлашнинг турли вариациялари, мисоллар билан ишлаш, амалий машғулотлар каби кўплаб усувлар келтирилган.

2016 йил 28 июнда мазкур ассоциация Бош Ассамблеяси “Судьялар таълим мининг 9 тамойили”ни қабул қилди. Тамойиллар қўйидагилардан иборат:

- 1.** Судьялар таълими фанлараро ва амалий таълим тури бўлиб, юридик таълимга қўшимча тарзда касбий қўнукмаларни етказишига мўлжалланган.
- 2.** Барча судья ва прокурорлар лавозимга тайинланишдан олдин ёки тайинланиш пайтида дастлабки таълим олишлари лозим.
- 3.** Барча судья ва прокурорларга лавозимга тайинлангандан кейин ва профессионал фаолияти давомида узлуксиз таълим олиш ҳуқуқи таъминланиши керак, улар бу жараёнга масъулият билан ёндашиши лозим.
- 4.** Таълим судья ва прокурорларнинг одатий ишининг бир қисмидир. Барча судья ва прокурорларнинг иш вақтида таълим олишига вакти бўлиши керак.
- 5.** Судьялар мустақиллиги принципидан келиб чиқкан ҳолда суд таълими дастурларини ишлаб чиқиш, мазмуни ва ўқитилиши миллий суд таълими муассасалари зиммасида қолиши лозим.
- 6.** Таълим асосан аввал айни мақсадлар учун тайёргарлик кўрган судьялар ва прокурорлар томонидан олиб борилиши лозим.
- 7.** Судьялар таълимида фаол ва замонавий таълим технологияларига асосий эътибор берииш лозим.
- 8.** Аъзо давлатлар судьялар таълими учун масъул бўлган миллий муассасаларни ўзининг белгиланган мақсадларига эришишилари учун етарлича маблаг билан таъминлашлари лозим.
- 9.** Олий суд судьялар таълимини қўллаб-қувватлаши лозим.



## СУДЬЯЛАР ВА СУД ХОДИМЛАРИНИНГ УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМИНИ ТАЪМИНЛАШ

Хорижий амалиёт ва халқаро стандартлардан келиб чиқкан ҳолда, суд ва ҳуқуқни кўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича мунтазам равишда қисқа муддатли тадбирлар ўтказиш шаклида юридик кадрларнинг малакасини ошириш тавсия этилади.

Хорижий амалиёт кўрсатадики, судьялар малакасини ошириш тизими доимий ўз устида ишлашни англатади, алоҳида маҳсус малака ошириш курслари жорий этилмайди. Бунда судьялар малакасини ошириш тизими улар ўртасида долзарб ҳуқуқни кўллаш амалиётидаги муаммоларни муҳокама қилишга багишлиланган қисқа муддатли тадбирлар ўтказиш, шунингдек, ҳуқуқни кўллаш амалиётида учрайдиган долзарб масалаларни ҳуқук соҳасидаги олимлар ва амалдаги судьялар иштироқида давра сухбати уюштириш орқали, давра сухбати видеотасвирини эса ўқув воситаси сифатида тарқатиш амалиёти мавжуд (Масалан, АҚШ ва Германия тажрибасида).

Шунингдек, масофавий таълим жараёни бўйича тегишли ўқув режалар ва унинг ўтказилиш тартибини аниқ ишлаб чиқиш керак. Масофавий таълимнинг жорий қилиниши судьяларни касбий тайёрлашга қанчалик таъсир қилиши, унинг самарадорлиги, таълимнинг бу шаклини қайси тоифадаги тингловчилар ва йўналишлар бўйича олиб бориш, ўқув дастурининг модулларини яратиш билан боғлиқ талабларни ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

**Яхшилар масъулият билан иш  
қилишилари учун қонунларга  
муҳтож бўлмайдилар. Ёмонлар  
қонунларга чап бериш учун йўл  
топадилар.**

**АФЛОТУН**

**Инсонларнинг ҳақиқий тенглиги  
уларнинг барчаси бир хилда қонун-  
га бўйсуншида намоён бўлади.**

**ЖАН ЛЕ РОН АЛАМБЕР**

## СУДЬЯЛарНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ БҮЙИЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАКЛИФЛАР

Судьяларнинг малакасини ошириш бўйича таълим дастурларининг талаблари Судьялар олий мактаби томонидан ишлаб чиқилади ва судьяларни тайёрлаш бўйича давлат дастури талабларига мос бўлиши лозим.

Судьяларнинг касбий билимларини чукурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўнникмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш амалга оширилади.

Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларининг таълим дастурларини ишлаб чиқиша куйидагиларга эътибор бериш лозим:

★ ўкув жараёнини амалиёт билан бөглаб олиб бориш;

★ таълим жараёнига тингловчиларнинг эҳтиёжларига индивидуал ёндашув қўллаш имкониятини яратувчи ўқитишининг интерфаол усулларини жорий этиши;

★ судьяларда аниқ ҳуқуқий тартиб ва тажриба орттириш, касбий савияни ошириш, суд фаолиятига хос кўнникмаларни ривожлантириш бўйича ўкув дастурларини тузишида судьяларнинг талаб ва таклифларини атрофлича ўрганиши мақсадга мувофиқ. Масалан, жиноят ишлари бўйича судлари судьяларига

процессуал ҳужжатларни тузиши билан бөглиқ амалиётни ўрганиш кўпроқ қизиқарлироқ кўринишга эга бўлса, фуқаролик ишлари бўйича судлари судьяларига моддий ҳукуқ нормаларини амалиётда қўллаши ва турли каузсларни ечиш қизиқарлироқ кўринишга эга.

★ Судьяларга фойдалироқ бўлиши учун турли экспертиза вакилларини ўкув курсларига жалб этиши;

★ ўкув курслари якунига кўра судьяларнинг эслаб қолиши қобилияти асосида ўзлаштирсан билимларинигина эмас, балки уларни мантиқий фикрлаши хусусиятларига ҳам алоҳида аҳамият қаратиш ва баҳолаш;

★ ўкув курсларига мамлакатимизда ва дунёда рўй берадиган сиёсий ва иқтисодий жараёнларни ўрганувчи малакали экспертиларни жалб этиши, сиёсий-иқтисодий жараёнларни ўрганиши бўйича ўкув курслари соатини узайтириш амалий натижага беради.

Малака ошириш дастурлари Олий суд томонидан бериладиган талаблар асосида ишлаб чиқилади.

Малака оширганлик тўғрисида судьяларга сертификат берилади. Малака оширганлик тўғрисидаги маълумот судьянинг лавозимини ошириш масаласи унинг судьялик муддати ёки мансаб лавозимининг ошиши бўйича аттестация натижалари билан бирга кўриб чиқилади.

## МАЖБУРИЙ ВА ҚЎШИМЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

Судьяни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида узлуксизликни таъминлаш мақсадида доимий равища ўқитишини ташкил этиш зарур. Мажбурий таълим дастурлари амалиётчи судьялар учун ҳар йили камидан бир ҳафта давом этадиган қонун нормаларини қўллашнинг долзарб масалалари бўйича тренинглар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Мажбурий таълим дастурлари, шунингдек, суд ходимлари учун ҳар йили камидан икки ҳафта давом этадиган суд амалиётининг долзарб масалалари бўйича

ча тренинглар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, қўшимча таълим дастурлари сифатида масофавий қисқа муддатли тренинглар учун суд амалиётида қонун ҳужжатларини қўллашнинг долзарб масалалари ва бошқа мавзулар бўйича видеомаърузалар, видеороликлар яратилиб, Судьялар олий мактаби сайтида жойлаштирилиши тавсия қилинади. Шунингдек, турли мавзулар бўйича видеоконференцалоқа орқали ўтказиладиган дарслар, видео-маърузалар, веб-дарсларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш тавсия этилиши мумкин.

## СУД ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Хорижий мамлакатларнинг судьялар таълимига ихтисослашган муассасалари билан икки томонлама ҳамкорлик таълим жараёнини ташкиллаштиришда етакчи тажриба ва долзарб маълумотларни алмашиш, ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, амалиётга юборилган шахсларнинг касбий маҳоратини ошишига ёрдам беради.

### АҚШнинг Федерал Суд маркази билин ҳамкорлик

АҚШ Федерал Суд маркази федерал суд судьялари ва суд ходимлари таълими ва малака оширишини таъминлайдиган, суд таълимига оид материаллар ишлаб чиқадиган, судьяларни ҳуқуқ, илм ва технологиялардаги ўзгаришлардан хабардор қилиб борувчи ташкилотдири.

1992 йилда АҚШ Конгресси томонидан Марказни хорижий мамлакатлар судьяларига ресурс сифатида фаолият юритишінде рухсат берадыган қонунчилікка үзгартырыш кирилди. Марказнинг Халқаро суд алоқалари оғиси халқаро судловни ривожлантириши соҳасида иш олиб берадыган федерал ҳукумат агентликлари ва бошқа ташкилотларни маълумот билан таъминлади.

АҚШ Федерал Суд марказининг ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси суд органдары билан амалга ошираётган ҳамкорлик дастури мавжуд бўлиб, дастур доирасида 2016 йил ноябрда Федерал суд маркази ӯзбекистонлик судьялар ва адлия вазирлиги расмийларини суд ҳуқук соҳасидаги ислоҳотлар, судьяларнинг мустақиллиги ва жиноят ишларини юритиш масалалари бўйича дастурга таклиф қилган. Ӯзбек делегацияси Колумбия округидаги федерал судга ҳам ташриф буюрган. Бу дастур АҚШ Давлат департаменти томонидан молиялашибирлган<sup>3</sup>.

#### **Германия суд академияси билан ҳамкорлик**

Германия суд академияси Германиянинг судьялар малакасини ошириш бўйича етакчи муассасаси бўлиб, ҳар йили 5000 га яқин судьялар ва прокурорлар академия томонидан ташкил этиладиган қисқа муддатли семинарларда қатнашадилар. Роман-герман ҳуқук тизимининг ёрқин вакили сифатида,

#### **Судьяни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш курси таълим дастурлари**

Мазкур таълим дастурлари куйидаги мақсадларни кўзлаган ҳолда ишлаб чиқилади ва амалга оширилади:

- ★ самарали, ошкора ва адолатли судловни амалга ошириш учун суд тизимининг институционал мустақиллигини ошириш;
- ★ судлов ва суд ҳужжатлари сифатини ошириш;
- ★ суд амалиётини унификациялаш (бирхиллаштириш);
- ★ суд тизимига ишончни ошириш;
- ★ суд таълимида информацион технологияларни кенг жорий этиши.



шунингдек, судьяларни тайёрлаш бўйича етакчи тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Германия суд академиясида ӯзбекистонлик профессор-ўқитувчи ва судьяларнинг амалиётини иккى томонлама шартномалар асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

#### **Франция Миллий магистратура мактаби билан ҳамкорлик**

2012 йилда Франция Миллий магистратура мактаби билан Бош прокуратура Олий ўқув курслари ўртасида иккى томонлама ҳамкорликни ўрнатган декларация имзоланган.

Шундай ҳамкорликни судьяларни тайёрлаш муассасаси ташкил этилгандан кейин ўйлга қўйши судья ва суд ходимларини тайёрлашда халқаро тажрибадан фойдаланишга асос бўларди.

#### **EJTN-Европа суд таълими тармоғи билан ҳамкорлик**

Европа суд таълими тармоғи 2000 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда Европа нинг 120.000 дан ортиқ судья, прокурор ва суд таълими мутахассисларини бирлаштиради. Мазкур тармок Европа Иттифоқига аъзо давлатлар судьялари, прокурорлари ва таълим мутахассислари ўртасида тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш орқали тажриба алмасиши, инсон ҳуқуқлари, Европа ҳуқуки бўйича билимларни бўлишиши, бошқа давлатлар суд тизими ҳақида билим ортириши имконини беради.

#### **Судьяларнинг малакасини ошириш бўйича дастурлар**

- ➔ Фуқаролик ишлари бўйича судларда қонун нормаларини кўллашнинг долзарб масалалари;
  - ➔ Жиноятни квалификация қилиш амалиётида қонун нормаларини кўллашнинг долзарб масалалари;
  - ➔ Иқтисодий судларда қонун нормаларини кўллашнинг долзарб масалалари;
  - ➔ Маъмурий судларда қонун нормаларини кўллашнинг долзарб масалалари;
  - ➔ Суд менежменти;
  - ➔ ОАВ билан ҳамкорликни амалга ошириш (медиатренинг);
  - ➔ Мулоқот психологияси, стресс ва конфликтларни бошқариш;
  - ➔ Суд тергови ўтказиш психологияси;
  - ➔ Турдош иўналишларнинг (суд психиатрияси, суд медицинаси, ҳуқук ва интернет, ҳуқук ва ахлоқ) долзарб масалалари.
- Ушбу тавсиялар суд мустақиллигини таъминлашда, судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда маълум дараҷада хизмат қиласи.

# Ибраһ

**АДЛ – (“адолат”, “тўғрилик”) ИНСОН қалбининг энг нодир, энг муҳим тушунчаларидан биридир.**

**Адолат ва тўғрилик ҳар қандай шахсга нисбатан ахлоқий баҳолаши мезонлари ҳисобланади.**

Муқаддас Куръони каримда адолат – яхшилик учун ҳам, ёмонлик учун ҳам бирдай адолатли ҳукм чиқарувчи Аллоҳнинг сифатларидан бири деб келади.

Бироқ Аллоҳнинг адолати – инсон онги, тафаккури англаб етмайдиган даражадаги олий адолат. Шу туфайли инсон Аллоҳдан адолат қилишини эмас, раҳм-шафқат қилишини сўраб, илтижо қилиши лозим.

Инсонга нисбатан адолат – бу бирорга нисбатан ёмонлик (жабр) қилиши нияти борлигини пайқаб олиши ва уни бартараф этиши имконияти, шунингдек, умумий маънодаги адолат тушунчаси ҳисобланади.

Машҳур олим, Ислом дунёсининг буюк алломаларидан бири Фаззолий адолатни эҳсон (“чин кўнгиллик”, “вижедон”) тушунчаси билан биргаликда қўллайдики, булар “адолат ва вижедон” маъносини англатади.

Давлат хизматидаги бирор мансабга даъвогар ёки бирон-бир муҳим жамоатчилик мажбуриятларини, чунончи: вазиilik, вакиллик, гувоҳлик ва бошқаларни бажарувчи ҳар қандай шахсда адолат бўлиши шарт. Бирорвга жабр қилмаган, гайриахлоқий (фисқ, фужур) ҳаром йўлларга юргаган ҳар қандай мусулмон одил, яъни адолати бор киши деб қаралади. Бу сифатларни йўқотганлар (фосиқлар) агарда солиҳ амаллар бажо келтириб, тавба қилсалар ва шундан сўнг ҳақиқий мусулмонга хос ҳаёт кечирсалар, адолатни тиклашлари, унга эришишлари мумкин. Акс ҳолда, пушаймонликка йўлиқишилари муқаррар.

Шунинг учун, АДОЛАТ ва ТЎҒРИЛИК ҳар қандай давр, ҳар бир ИНСОН учун оҳори тўқилмас улуғ тушунчадир...



Мұхиддин СУЛТОНОВ,

Тошкент шаҳар иқтисодий  
судининг судьяси

# ПРОФЕССИОНАЛ ВА ЕТУК СУДЬЯЛИК КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМИ

*2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ўтган давр мобайнида айнан судларни ислоҳ қилиш масаласида мамлакатимизда амалга оширилган ишларни қўйидаги гуруҳларга ажратишимиш мумкин.*

1) Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини оширишига қаратилган ислоҳотлар;

2) суд ишларини юритиш ва фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришига оид ислоҳотлар;

3) судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириши тизимини такомиллаштиришига оид ислоҳотлар.

Президентимизнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси эса судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларининг малакасини ошириш тизими ни такомиллаштиришига оид ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг амалий ифодаси сифатида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишининг янгича тартиб ва қоидаларини белгилаб берди.

Қарор асосида 2019 йил 10 январдан бошлаб судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, суд кадрларининг илмий-таҳлилий ва креатив салоҳиятини шакллантиришига қаратилган, грант асосида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича амалга ошириладиган судьялик лавозимларини





эгаллаш учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш; касбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш кўнинмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ой бўлган, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун заҳирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш, қонунчиликдаги янгилкларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, касбий, жумладан, хуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир кўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган, давомийлиги икки ҳафтадан кам бўлмаган, судьялар ва судлар аппарати ходимлари малакасини ошириш тартиби жорий қилинди ҳамда ушбу вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Дарҳақиқат, одил судловни амалга ошириш вазифаси суд идоралари томонидан бажарилар экан, авваламбор, ана шу соҳада хизмат қилувчи ходимлар масъулиягини, уларнинг назарий ва амалий билимларини, малака ҳамда касб маҳоратини ошириш, энг муҳими, суд тизимини хуқуқий онги етук, замонавий фикр-лайдиган ва ишлайдиган кадрлар билан тъминлаш муҳим аҳамиятга эга масаладир.

Шунинг учун, тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, хуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўнинмаларни ривожлантириш масаласи Судьялар олий мактабининг

асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Суд ҳокимияти мустақил давлат ҳокимияти тармоғидан бири бўлиб, ижро ҳокимиятидан холи, унинг таркибига кирувчи аддия органлари тизимидан алоҳида фаолият олиб бориши ва у ўз тизимидағи суд органлари учун кадрларни, жумладан, судья ва суд ходимларини ўзи тайёрлаши ва малакасини оширишни ташкил этувчи мустақил таълим тизимига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Бундай амалиёт 1998 йил 10 июлдаги Судьялар мақоми тўғрисидаги Европа хартияси, 1999 йил қабул қилинган судьялар Умумжаҳон хартияси, 1995 йил 19 августда Пекинда қабул қилинган “Осиё минтақасида судьяларнинг мустақиллиги принциплари”, 2010 йил 25 июня Киевда қабул қилинган “Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалаларига бағишлиланган Киев конференцияси тавсиялари” талабларига ҳам мос келади.

Ушбу ҳужжатларда судьяларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласи билан ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимиятга бўйсунмайдиган ташкилот шуғулланиши лозимлиги назарда тутилади.

Бу борадаги халқаро тажрибани ўргана-диган бўлсак, бугунги кунда АҚШда судьялар малакасини оширишга хизмат қилувчи Миллий юридик коллеж ва АҚШ федерал суд маркази, Германия Федератив Республикасида Германия Суд академияси, Арманистонда Суд мактаби, Украина Судьялар миллий мактаби, Россия Федерациисида Россия давлат одил судлов университети фаолият олиб борадилар.

Хусусан, Осиё мамлакатлари орасида Жанубий Кореяда 1971 йилдан бүён Суд илмий тадқиқот ва таълим Институти ҳамда 1979 йилдан бүён Суд ходимларини тайёрлаш Институти фаолият кўрсатиб келади. Ушбу институтлар Жанубий Корея Олий суди қошида ташкил этилган бўлиб, судьялар, иш ўрганувчилар (стажёрлар) учун назарий билимлар олиш ва амалий стажировка ўташ имконини яратиб беради. Суд стажёри (иш ўрганувчиси) Олий суд раиси томонидан давлат юридик имтиҳонларидан ўтган номзодлар орасидан тайинланади ҳамда Суд илмий тадқиқот ва таълим Институтининг 2 йиллик курсларини тамомлагач, улар судья, прокурор ёки адвокат мала-касига эга бўлишлари мумкин.

Япония Олий суди қошидаги Ҳукуқий таълим ва илмий тадқиқот институти суд тизими учун асосий ўкув таълим муассасаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур институтга илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда судья ва ҳукуқий ёрдамчиларни тайёрлаш вазифалари белгиланган. Институтнинг ўкув дастурлари йил мобайнида тинимсиз олиб борилади.

Албатта, Президент қарори қабул қилинганиги муносабати билан амалдаги айrim норматив-ҳукуқий хужжатларга тегишли ўзгартиришларни киритиш талаб этилади. Ўз навбатида, судьяликка номзодларни тайёрлаш механизмларининг ўзгариши айrim шу вақтга қадар кўзда тутилмаган масалаларни ҳам тартибга солишни тақозо этиши мумкин. Шунга кўра, Президент қарори ижроси-

ни таъминлашда ҳамда суд-ҳукуқ соҳасида амалга ошириладиган кейинги ислоҳотларда назарда тутилиши мумкин бўлган айrim масалаларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Биринчидан, судьялик лавозимлари га 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқиши мувваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланиши назарда тутилаётганлигини инобатга олсан, бундай курсларни тамомлаган барча тингловчи-ларга бўш судьялик лавозим ўрни топиш масаласи юзага келади. Бу масала биринчи ёки иккинчи ўкув йилида юзага келмаслиги мумкин, лекин кейинчалик ҳар йили янги кадрларнинг етишиб чиқавериши оқибатида ушбу масала ҳам юзага келиши мумкин. Ўкув курсларини мувваффақиятли тамомла-ган барча тингловчиларга ҳам бўш судьялик ўрни топилмас, номзод яна захирада қолдирилишига тўғри келиши мумкин ёки уни лавозимга тайинлаш учун амалда фаолият кўрсатаётган судьянинг аксариятини кейинги муддатга тайинламасликка тўғри келиб қолиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун қонунчиликка стажёр судья лавозимини жорий етиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Хусусан, Германия Федератив Республикасида тўла маълумотли юрист (Assessor juris) унвонига эга бўлган судьяликка номзодлар 3-5 йил давомида судда стажировка ўтшади. Стажёр-судья судьяга тегишли ваколатларнинг деярли барчасини амалга ошира олади ва қарор қабул қилишда мустақиллар. Ҳолбуки, унинг фаолияти доимий назоратда бўлиб, 3 йиллик стажировкадан кейин у ўз касбига мувофиқ эмас деб ишидан бўша-тилиши мумкин. Стажёр-судья ишига ҳудудий суд раиси баҳо беради. Стажировкадан мувваффақиятли ўтилса, судья ўз ишини давом эттириши мумкин.

Иккинчидан, кейинги ислоҳотларда судьялик лавозимларига номзодлар учун ўкув курсларига фақат судьялик лавозими захирасида бўлган шахсларни танлаб олиш масаласини ҳам қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун, Олий мактабга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этишиб тартибини ишлаб чиқишида судьялик лавозимини эгаллаш учун “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай фуқарога тенг имко-ният яратиш, номзоднинг назарий билимлари, амалий кўникмалари, психологияси, маънавий қиёфаси, инсоний қадриятларга





бўлган муносабатларини, шу билан бирга, бошқа шахсий фазилатларини кўп босқичли имтиҳон ва ўрганишлар асосида танлаб олиш механизмини жорий этиш лозим бўлади. Ушбу ҳолатда бўш судьялик лавозимини эгалламоқчи бўлган, белгиланган талабларга жавоб берадиган ҳар қандай фуқаро ўз билим ва имкониятларини синаб кўришга, тизим эса захирадаги номзодлар доирасида чегараланмаган ҳолда энг муносиб номзодларни очиқ имтиҳон ва ўрганиш натижалари бўйича танлаб олиш имконига эга бўлар эди.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида судьялар корпусини шакллантириш тизимини суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига тўлиқ мослаштириш, бу жараёнга кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш масаласи илгари сурилган бўлиб, номзодларни маҳсус курсларда ўқитишда ушбу механизмни амалга ошириш масаласини ҳам ҳал этиш лозим бўлади. Чунки, амалда судьялик лавозимига илк бор тайинланаётган номзодни туман, шаҳар жамоатчилигини тавсия этиш ва розилигини олиш тартиби мавжуд бўлиб, одатда жамотчилик муҳокамасига судьяликка тайинланиш учун амалда тайёр бўлган номзодлар киритилади. Ушбу тартибни маҳсус курсларни муваффақиятли тамомлаган номзодлар учун қандай тартибда амалга ошириш мақсадга мувоғифик бўлиши, ўқишини тамомлаган номзодга жамоатчиликнинг розилиги берилмаганда ушбу ҳолат номзод учун қандай оқибатлар келтириб чиқариши ҳақидаги масалалар ҳам тартибга солиниши лозим бўлади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси судьяларининг одоб-ахлоқ кодексида судья

ўз мажбуриятларини лозим даражада бајариши учун ўз малакаси ва қасбий билимларини мунтазам равища ошириб, амалий қўникмаларини такомиллаштириб бориши шарт эканлиги, шу мақсадларда судья мустақил таълим олиш имкониятларидан фойдаланиши ва мунтазам равища давлат малака ошириш тизимида қайта тайёргарликдан ўтиши кераклиги назарда тутилган. Шундай бўлса-да, бугунги кунга қадар фаолият кўрсатаётган судьяларнинг ҳамда суд ходимларининг малакасини ошириш тартиби норматив-хуқуқий ҳужжат асосида тартибга солинмаган эди. Ҳар йиллик режалар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий судида судьялар учун малака ошириш ташкил этилиб келинади. Бундай малака оширишдан кўзланган асосий мақсад асосан амалиётда ҳуқуқ нормасини кўллашда юзага келаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, асосан фаолияти мобайнида камчиликларга йўл кўяётган судьялар малака оширишга жалб этилган. Бироқ, бугунги кунга қадар раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларнинг қасбий билимларни чуқурлаштириш ва суд маъмуриятчилигини юритиш қўникмаларини эгаллашга, шунингдек, иш ва бошқарувни ташкил этишнинг инновацион шакл ва услубларини ўзлаштиришга қаратилган қайта тайёрлаш курслари йўқ эди. Судьялар ва судлар аппарати ходимлари учун қонунчиликдаги янгиликларнинг мазмун ва моҳиятини етказишга, қасбий, жумладан, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллаш масалаларига доир қўникма ва қобилиятларни такомиллаштиришга қаратилган малака ошириш курслари мавжуд бўлмаган.

Маълумки, суд идорасига мурожаат қилиб келган фуқаронинг шу идорадан

рози бўлиб чиқиб кетишида, суднинг ижобий нуфузини шакллантиришда судлар аппарати ходимларининг ўрни жуда юқори. Сабаби, холисликни таъминлаш мақсадида суд процессидан ташқари вақтда фуқаролар билан муносабатлар айнан суд ходимлари томонидан олиб борилади. Шунинг учун суд ходими нафақат ҳукукий билимга, балки юқори маданият, хусусан, мумомала маданиятига эга бўлиши, одобаҳлоқ қоидаларини чукур билиши муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра, суд аппарати ходимлари малакасини оширишда уларни психологияк жиҳатдан тайёрлаш, фуқаролар билан ишлаш маданиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик туйгуларини оширишга, коррупцион харакатларга муросасиз муносабатда бўлишга қаратилган кўникмаларини шакллантириш масаласига алоҳида этибор қаратиш ҳамда бу ҳақда алоҳида талабларни белгилаш, бу каби кўникмаларга эгаликни эса судьялик лавозимига тайинланишининг муҳим шартларидан бири сифатида қонунчиликда мустахкамлаш лозим.

Бу борада, Америка Кўшма Штатлари тажрибасидан фойдаланиш мумкин. Суд тизимида кадрларни тайёрлашда компетенцияли ёндашув масаласига Америка Кўшма Штатларида алоҳида эътибор қаратилади. АҚШнинг Миллий суд коллежи томонидан ташкил этиладиган судьялар ва суд ходимлари малакасини ошириш дастурларининг асосий қисмини қўйидаги мавзулар эгаллаган:

- судьяларнинг одобаҳлоқи;
- жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар;
- суд ҳужжатларини юритиши;
- низоларни ҳал этишининг муқобил техникалари ва бошқарув кўникмалари;
- суд мажлислари залида холислик муҳитини барпо этиши;
- судьялар учун компьютердан фойдаланиш;
- руҳий ногиронликка чалинган инсонлар билан боғлиқ суд ишларини кўриши;
- судьялик кўникмаларини ривожлантириши;
- мантиқий фикрлаш ва ёзма нутк;
- апелляция билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш кўникмалари;
- мураккаб суд ишларини кўриб чиқиш ва бошқалар.

Шу ўринда, қонунчиликка амалда фаолият кўрсатаётган судья ва суд ходимларининг мажбурий даврий малака ошириши масаласини киритиш ёки малака оширишни судья ва суд ходимлари учун мансаб погоналари бўйича кўтарилишнинг зарурий шартларидан бири этиб белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, судья ёки суд ходимининг юриспруденцияга оид билимлари ва иш кўникмаларидан ташқари, касбий этика, психология, ишchanлик мулоқоти, вақтни бошқариш кўникмалари, музокаралар олиб бориш тактикаси каби турли компетенцияларининг оширилишидан нафақат уларнинг ўзлари, балки суд идорасига мурожаат қилиб келган ҳар қандай фуқаро ҳам манбаатдор бўлади.





Насиба  
Абдураҳмонова,  
Судъялар Олий мактаби  
бош консультсанти

# ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ЭГАЛИГИГА ОИД НИЗОЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ

*Мутахассислар томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан 2018 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида хусусий уй-жой эгалигига оид низолар билан боғлиқ суд амалиёти умумлаштирилди.*

*Мулк ҳуқуқининг Конституция даражасида фуқароларнинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида белгиланганлиги мулк ҳуқуқи кафолатининг амалда юксак эътирофини акс эттириш билан бирга, мулкий муносабатлар билан боғлиқ жараёнга алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндашишини, ушбу ҳуқуқни амалга оширишини тўғри бажаришини талаб қиласди.*

*Хусусий мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ муносабатлар тизимида энг кўп учрайдиган жараёнлардан бири бу, шубҳасиз, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ муносабатлар бўлиб, умумлаштириш жараёнида юзага келаётган низоларнинг судлар томонидан ҳал қилиниши ахволи ўрганилди.*

Турар жойдан кўчириш билан боғлиқ низолар юзасидан фуқаролик ишларининг кўрилишига оид статистик маълумотлар таҳлил қилинганда,

**2017** йил **1**-ярим йиллигига жами **1020** та иш мазмунан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса, **2018** йил **1**-ярим йиллигига жами **939** та иш мазмунан кўриб чиқилган. Шундан **2017** йил **6** ойи мобайнида **743** та фуқаролик иши бўйича (72,8 фоиз), **2018** йил **6** ойида

**636** та фуқаролик иши юзасидан, яъни (67,7 фоиз) даъво аризалари қаноатлантирилиб, мазкур турдаги низолар юзасидан судга мурожаат қилиш камайган.

Судлар томонидан уй-жойга оид низоларни ҳал этишда аксарият ҳолларда моддий ва процессуал қонун талаблари асосида ишлар кўриб чиқилаётган бўлса-да, бироқ қўйидаги мисоллар билан бир турдаги низолар юзасидан турли хил ҳал қилув қарорлари қабул қилинаётганлигини кузатиш мумкин.





## МОДДИЙ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўй-жой низолари бўйича суд амалиёти ҳақида” 2001 йил 14 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 5-бандига кўра, нотариал тартибда тузилган уй-жой шартномасида сотовучи ва унинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса, шартнома тузилган кундан эътиборан улар турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб хисобланади.

Даъвогар Ш.Ф. жавобгар X.A., X.G., X.Ё. ва X.Д.ларга нисбатан турар-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ва уйдан кўчириш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, жавобгарлар X. A., X. G., X. Ё. ва X.Д.лар Нурота тумани, Орасой МФЙ Самари қишлоғида жойлашган даъвогар Ш.Ф.га тегишли турар-жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топилган. Жавобгар X.A., X. Гларни даъвогар Ш.Ф.га тегишли бўлган Нурота тумани, Орасой МФЙ Самари қишлоғида жойлашган уй-жойдан чиқариш, жавобгарлардан давлат фойдасига 86.120 сўм давлат божи солидар тартибда ундириш белгиланиб, даъвонинг қолган қисми рад этилган.

ФИБ вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2018 йил 9 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, низоли бўлган Нурота тумани, Орасой МФЙ, Самари қишлоғидаги уй-жой 2018 йил 15 марта Нурота тумани давлат нотариал идорасида расмийлаштирилган 1450-сонли “Ўй-жой олди-сотди шартномаси”га асосан даъвогар Ш.Ф.га тегишли бўлиб, у мазкур уй-жойни фуқаро X.A. дан сотиб олган.

Фуқаро X.A. ва даъвогар Ш.Ф.лар ўтасида тузилган 2018 йил 15 марта даги уй-жой олди-сотди шартномасининг 8-бандига кўра 2018 йил 12 марта даги 643-сонли маълумотномага асосан уй-жойда рўйхатда турувчи шахслар (X.A., X.G., X.Ё. ва X.Д.)ни бир ой муддат ичida рўйхатдан чиқариш мажбурияти X.A. зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 11-моддасига кўра турар жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқи бузилишини бартараф этишни талаб қилишдан иборатdir.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг жавобгарлар X.A., X.Ё., X.Г. даъвогар Ш.Ф.га тегишли турар-жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қисмини қаноатлантириш ҳақида тўғри хulosага келиш билан бир қаторда, даъво талабининг жавобгар X.Д.ни турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш

ва уйдан чиқариш ҳақидаги қисмларини рад қилиб, хатога йўл қўйган.

Жумладан, биринчи босқич суди юқорида қайд этилган Пленум қарорининг кўрсатмаларига риоя қиласдан, 2018 йил 15 мартағи уй-жой олди-сотди шартномасининг 8-бандига кўра жавобгарларнинг барчаси, шу жумладан, Ҳ.Д.нинг ҳам низоли уй-жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуки 2018 йил 15 апрель кунидан йўқотган деб топишга асос бўлишига эътибор қаратмаган. Мулкдор Ш.Ф.нинг ўзига тегишли турар жойга ўз хоҳиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуки бузилишини бартараф этишни талаб қилиш каби ҳуқуқларига зид равишда ҳал қилув қарори қабул қилган.

Бундан ташқари, суд жавобгар Ҳ.Д.ни фойдаланиш ҳуқукини йўқотган деб топиш ва уйдан чиқариш ҳақидаги талабини рад қилишда низоли уй-жойни сотишга мулкдорнинг келини Ҳ.Д.розилик бермаганлигига асосланган.

Бироқ, суд низони ҳал этишда Ҳ.Д. уй-жойнинг мулкдори эмаслигига, қонун талабига кўра уй-жойнинг мулкдори розилиги билан тасарруф этилиши ва мазкур битим қонуний кучда эканлигига ҳуқукий баҳо бермаган.

Айрим ҳолларда эса судлар томонидан мазкур тоифадаги низоларни ҳал этишда юқорида қайд этилган суднинг хуласасига акс тўхтамга келинганигини кўриш мумкин.

Даъвогар О.Ю. жавобгар Ф.Ю. ва А.Ю.ларга нисбатан бир нафар фарзанди билан уйга киритиб кўйиш ҳақидаги даъво ариза билан мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъвогарнинг даъво талаби қаноатлантирилган.

Ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгарлар томонидан кассация шикояти берилган. Шунингдек, жавобгарлар кассация инстанция судига қарши даъво ариза тақдим қилиб, О.Ю.ни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқукини йўқотган деб топишни сўраган.

Аникланишича, О.Ю. ва Ф.Ю.лар 2013 йил 12 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш куриб, уларнинг 2015 йил 25 февралда А.А.Ф. исмли фарзанди туғилган.

Пахтаобод тумани, Гузар МФЙ, Мафтункор кўчасидаги даъвогар келин бўлиб тушган уйга 2017 йил 26 декабрда Пахтаобод тумани ҳокимининг 2086-сон қарори билан А.Ю.га эгалик ҳуқуки белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ушбу уйда хўжалик бошлиги А.Ю., турмуш ўртоғи М.Ю., ўғиллари Ф. ва Ф., келинлари М.Р., Ж.Ю. ҳамда иккя нафар набираси яшаган.

Даъвогар О.Ю.нинг даъво аризасида низоли уйдан 2015 йилда ўртада келиб чиқсан келишмовчилик туфайли чиқиб кетганлиги баён этилган. Даъвогарнинг низоли уйда 2015 йилдан бери яшамаётганлиги Гузар ва Илтифот МФЙларнинг далолатнома ва маълумотномалари билан тасдиқланган.

Жавобгарлар Ф.Ю. ва А.Ю.лар даъвогар олти ойдан ортиқ вақт давомида низоли уйда яшамаганлиги учун уйдан фойдаланиш ҳуқукини йўқотган деб топиш ҳақида қарши даъво ариза тақдим қилган.

Биринчи инстанция суди даъвогар О.Ю. ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топишни сўрамаганлиги ва низоли уйда олти ойдан ортиқ муддат давомида яшамаганлиги ҳолатини эътибордан четда қолдириб, даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хуносага келган.

Мазкур ҳолатларга кассация инстанция суди ҳуқукий баҳо бериси, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвогарнинг даъвосини рад этиш ҳақида ажрим қабул қилган.

Турар жойга бўлган мулк ҳуқуки муддатсиз бўлиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг, давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган ҳолда шахснинг ўзига тегишли турар

## *Зарурат барча қонунларни синдиради.*

*Луций Анней Сенека (кичиғи)*

*Табиат қонунларига зид қонунларни қабул қилиши ва тадбиқ этиши – кейинчалик уларни жазолаши учун жисноятчиликни юзага келишига сабаб бўлади.*

**Томас ЖЕФФЕРСОН**



жойга ўз хохиши ва манфаатларига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳукуки бузилишини бартараф этишини талаб қилиш ҳукуқидан иборатdir. (Уй-жой Кодексининг 11-моддаси, 3-қисми)

Даъвогар П.И. жавобгарлар Б.Х., Б.Н., Б.Л. ва Б.О.ларга нисбатан уй-жойни ўзига тегишли қисмидан чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Мазкур фуқаролик иши ФИБ туманлараро суди томонидан 2018 йил 12 март куни сиртдан иш юритиш тартибида кўрилиб, даъвогарнинг даъво талабини рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, бошқа ФИБ туман судининг 2018 йил 10 январь кунидаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар П.И. Галлаорол тумани, Сарбозор маҳалласи, Сарбозор қишлоғида жойлашган уй-жойдаги мерос улуши 9/14 қисм ҳамда Б.Т., Б.Х., Б.Г.ва Б.Д., Б.Х.ларнинг ҳар бирининг улуши 1/14 қисм деб белгиланган.

Шунингдек, мазкур суднинг ҳал қилув қарорига асосан даъвогар П.И. низоли уй-жойдаги 9/14 қисми улуши 2017 йил 24 март кунидаги 256/16.1-сонли экспертиза хulosасига асосан ажратиб бериш белгиланган ва низоли уй-жойнинг 9/14 қисми экспертиза хulosасига асосан бўлиниб тегишли тартибида кадастр хизматидан П.И. нинг номига давлат рўйхатидан ўтказилган.

ФКнинг 185-моддасида, мулк ҳукуқининг вужудга келиш асослари қуидагилардан иборат: меҳнат фаолияти, мол-мулқдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан, мол-мулқни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида қўлга киритиш, давлат мол-мулқни хусусийлаштириш, мерос қилиб олиш, эгалик қилиш ҳукуқини вужудга келтирувчи

муддат, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

Биринчи босқич суди даъвони рад қилишда, мерос тариқасидаги уй-жой мерос-хўрларга тақсимланганда уларнинг мерос уйнинг бутун қисмидан фойдаланиш ҳукуки сақланиб қолишилигига асосланган бўлса-да, бироқ П.И.га низоли уй-жойдаги мерос улуши суд қарорига асосан натура ҳолда ажратиб берилганини, даъвогар ўзига қарашли мол-мулқка ўз хохиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳукуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишини талаб қилиш ҳукуқига эга эканлигини эътибордан четда қолдирган.

Юқорида қайд этилган асосларга кўра, даъвогар П.И.низоли уй-жойнинг ўзига мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган қисмидан жавобгарларни чиқариб беришни сўраган бўлса-да, бироқ суд мазкур ҳолатга ҳукукий баҳо бермасдан ишни бир томонлама кўриб чиқсан.

Бундан ташқари, иш жавобгарларнинг иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўриб чиқилган бўлса-да, аммо иш ҳужжатларида жавобгарларнинг тегишли тарзда хабардор қилинганини ҳақида маълумот мавжуд эмас.

Шунингдек, суд томонидан мазкур низо бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори нусхаси жавобгарларга тегишли тарзда юборилмаган.

Қуйидаги мисолларда ҳам айрим ҳолларда судлар томонидан моддий ва процес-суал қонун нормаларини қўллашда ягона суд амалиёти мавжуд бўлмаганлиги сабабли хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганини аниқланди.

Даъвогар М.В. жавобгар М.Ж. ва М.Х.ларга нисбатан уй-жойга икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан биргалиқда киритиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 5 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар М.В.нинг даъвоси рад қилинган.

Аниқланишича, даъвогар М.В. жавобгар М.Ж. билан 2011 йил 14 июль куни қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган ва биргаликдаги турмушларидан икки нафар вояга етмаган фарзандлари бор.

Даъвогар М.В. жавобгар М.Ж. билан 2011 йилдан 2017 йил июль ойига қадар низоли бўлган Зомин тумани, Кўргон маҳалласи, Зилол кўчасида жойлашган уй-жойда доимий рўйхатдан ўтган ҳолда яшаб келган.

Даъвогар М.В. 2017 йил июль ойидан бўён ота-онасига тегишли бўлган Боёвут ту- мани, Боёвут шаҳарчаси, Беруний маҳалла- си, Беруний кўчаси, 30-уй, 6-хонадонда икки нафар фарзанди билан яшаб келмоқда.

Суд, жавобгар М.Ж. бошқа аёлга уйла- ниб, низоли уйда яшаб келаётганилигига, даъвогар М.В. уй-жойга эҳтиёжи йўқлигига асосланиб даъво талабини рад қилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой Кодекси- нинг 32-моддаси талабига кўра, уй, кварти- ра мулқдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулқдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар. Улар мулқдор берган турар жойга ўзлари- нинг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиласининг бошқа аъзоларини эса, уй, квартира мулқдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулқ- дори билан оиласи муносабатларни тугат- ган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фой- даланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Мазкур мисолдаги тарафлар ва даъво талаби худди юқоридаги мисолга ўхшаш бўлса-да, бироқ ҳар иккала иш бўйича турли хил тўхтамга келинган.

Даъвогар Ж.Н. жавобгарлар А.У. ва А.О.ларга нисбатан уй-жойга киритиб қўйиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожа- ат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 6 февраль кунидаги ҳал қилув қарорига кўра

даъво талаби қаноатлантирилиб, даъвогар Ж.Н. Жиззах шаҳри, Оққўргон маҳалласи, А.Шомуродов кўчаси, 66-уй-жойнинг келин бўлиб тушган хоналарига киритиш ҳамда жавобгарлар А.У. ва А.О.дан даъвогар Ж.Н. фойдасига 87.435 сўм миқдорда давлат божи ундириш белгиланган.

Аниқланишича, даъвогар Ж.Н. ва Д.А.лар 2014 йил 3 июнь куни Жиззах шаҳри ФХДЁ бўлимидан қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган бўлиб, фарзандлари йўқ.

Тарафлар ўзаро келишмовчиликлар са- бабли даъвогар Ж.Н. 2016 йил 12 апрелдан бўён ота-онасига тегишли бўлган Жиззах шаҳри, Халқобод маҳалласи А.Салимов кў- часи, 69-уйда яшайди.

Даъвогар Ж.Н. ота-онасига тегишли бўлган Жиззах шаҳри, Халқобод маҳалласи А.Салимов кўчаси, 69-уйда доимий рўйхатга кўйилган бўлиб, низоли уй-жойда у яшаш учун доимий рўйхатга кўйилмаган.

Мазкур низо юзасидан суд даъво та- лабини қаноатлантиришда тарафларнинг никоҳи бекор қилинмаганлигига, даъвогар мулқдор билан умумий рўзгор юритганлиги каби ҳолатларни инобатга олган.

Юқорида қайд этилган ҳар иккала фуқа- ролик иши бўйича бир хил даъво талаби ва бир-бирига ўхшаш асослар юзасидан даъво қилинган бўлса-да, иш ҳолатлари бир то- монлама кўриб чиқилаётганилиги натижаси- да судлар томонидан турли хил ҳал қилув қарори қабул қилиниб, ягона суд амалиёти шакллантирилмаганлиги аниқланди.



## МУЛҚДОРГА НИСБАТАН УЙ-ЖОЙДА ЯШАШ ҲУҚУҚИНИ ЙЎҚОТГАН ДЕБ ТОПИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Даъвогарлар ў.ш., ў.л.лар жавобгар ў.ўга нисбатан уй-жойга киритиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Ўз навбатида, жавобгар ў.ў. даъвогар ў.ш., ў.л. ва бошқаларга нисбатан кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 20 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар ў.ш. ва бошқаларнинг даъво талабирад қилиниб, қарши даъво талаби қаноатлантирилган, яъни ў.ш., ў.л.лар Зарбдор тумани, Андикон ҚФЙ, Жувонсийрак қишлоғида жойлашган низоли уй-жойга нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топган.

Даъвогар ў.ш.дан ва ў.л.дан давлат фойдасига 86.120 сўм, “Ермулккадастр” ДК Зарбдор тумани филиалидан давлат фойдасига 86.120 сўм микдорда давлат божи ундириш белгиланган.

Низони ҳал этишда биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар:

Жавобгар ў.ў. даъвогар ў.ш., ў.л. ва бошқаларга нисбатан кадастр ҳужжатларини ҳақиқий эмас ва уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш ҳақидаги қарши даъво тақдим қилишда тўланиши лозим бўлган ҳар бир даъво талаби бўйича энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи микдорида давлат божини тўламаган ва давлат божини кечикиришни сўраб ариза тақдим қилган.

Суд қарши даъво юзасидан ў.ў.нинг давлат божини кечикириш ҳақидаги аризаси-

ни муҳокама қилмасдан қарши даъвони иш юритишга қабул қилиб, хатоликка йўл қўйган.

Бундан ташқари, суд 2017 йилда Зарбдор тумани, Андикон ҚФЙ, Жувонсийрак қишлоғида жойлашган низоли уй-жойни даъвогар ў.ш.нинг номида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топган бўлса-да, кадастр чизмалари ҳуқук туғдирувчи ҳужжат ҳисобланмаслигига ҳуқуқий баҳо бермаган.

Суд томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Зарбдор тумани, Андикон ҚФЙ, Жувонсийрак қишлоғида жойлашган низоли уй-жойни даъвогар ў.ш.нинг отаси мархум ў.ҳ. томонидан курилганлиги қайд этган бўлса-да, бироқ даъвогар ў.ш. мархумнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланishiiga ҳуқуқий баҳо берган ҳолда ишни кўриб чиқмасдан хатоликка йўл қўйган.

Даъвогар И.П. жавобгар Н.А.га нисбатан уй-жойдан мол-мulkни чиқариш ҳақидаги даъво ҳамда қўшимча даъво аризаси билан мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 10 апрелдаги ҳал қилув қарори билан даъвогар И.П.нинг даъвоси ҳамда қўшимча даъво аризаси қаноатлантирилиб, жавобгар Н.А. Тошкент шахри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 14-уй, 24-хонадондан бошқа турар жой бермаган ҳолда мол-мulkлари билан мажбурий тартибда чиқариш белгиланган.

Иш ҳужжатларига кўра, Тошкент шахри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 14-уй, 24-хонадон И.П.га 2016 йил 12 майдаги олди-сотди шартномасига асосан тегишли.

Жавобгар Н.А. хонадоннинг собиқ эгаси Ш.А.нинг турмуш ўртоғи бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2016 йил 20 июндаги ҳал қилув қарори билан жавобгар Н.А. низоли хонадонга киритилган.

Ҳал қилув қарори 2016 йил 28 октябрда ижро қилинган бўлиб, жавобгар низоли унга киритиб қўйилганлигига қарамай, унга ажратилган турар жойда суд ҳужжати ижро қилинган вақтдан бўён яшамаган, бироқ уйнинг бир хонасида унга тегишли мол-мulkлар сақланиб келинган.

Биринчи инстанция суди жавобгарни бошқа турар жой бермасдан уйдан мажбурий чиқариш ва унга мол-мulkларини олиб чиқиш мажбуриятини юклash ҳақида холосага келган.

ФИБ шаҳар судининг 2018 йил 5 июн даги ажрими билан туманлараро судининг 2018 йил 10 апрелда чиқарилган ҳал қилув



қарори ўзгаришсиз қолдирилиб, ҳал қилув қарорни хulosса қисми иккинчи ҳатбошиси жавобгар Н.А. зиммасига Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 9-мавзе, 14-үй, 24-хона дондан ўзиға тегишли бўлган мол-мулкни олиб чиқиб кетиш мажбурияти юклатилсин, деб янги таҳирда баён қилинган.

Шунингдек, ФИБ туманлараро судининг 2017 йил 4 июлдаги ҳал қилув қарори билан И.П.нинг Н.А.ни низоли уйдан кўчириш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган асосларга кўра Н.А.нинг низоли уйдан фойдаланиш хуқуқи сақланиб қолишилгига хуқуқий баҳо бермасдан, жавобгар Н.А. шундан сўнг ҳам уйга кириб яшаш чораларини кўрмаган ва натижада турар жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб хulosaga келиб, хатоликка йўл қўйган. Шаҳар апелляция суди ҳам мазкур хатоликни бартараф этиш чорасини кўрмаган.

Биргалиқдаги мулк бўлган мол-мулк барча иштирокчиларнинг розилиги билан тасарруф этилади, мол-мулкни тасарруф этиш хусусидаги битим иштирокчилардан қайси бири томонидан тузилаётган бўлишидан қатъи назар, бундай розилик талаб килинади. (ФК 225-моддасининг 2-кисми)

Даъвогар Ж.Ж. жавобгар Ф.Т. ва бошқаларга нисбатан ҳовли жойни умумий мулк деб топиш, ҳадя шартномаси ва олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаблари қаноатлантирилиб, низоли бўлган Бешариқ тумани, Юқори Зарқайнар МФЙ, Янгиҳаёт кўчаси, 113-үй-жой марҳум М.Ж. ва даъвогар Ж.Ж.нинг умумий мулки деб топиш, 2017 йил 22 март куни реестрга 1183-рақам билан қайд этилган ҳадя шартномасини ҳамда 2017 йил 12 июль куни реестрга 4590-рақам билан қайд этилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш белгиланган.

Шунингдек, жавобгар Ф.Т.дан даъвогар Ж.Ж.фойдасига 8.000.000 сўм пул ундириш ва жавобгар Ф.Т.дан давлат фойдасига 172.240 сўм давлат божи ундириш белгиланган.

ФИБ вилоят суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 8 июндаги ажрими билан фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2018 йил 25 апрелдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабларини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар Ж.Ж. М.Ж. билан 1966 йил 27 июль куни қонуний нижоҳдан ўтган ҳолда турмуш қуришган ва биргалиқдаги никоҳидан 7 нафар фарзанди бўлган. М.Ж. 2017 йил 14 октябрь куни вафот этган.

Иш ҳужжатлари ҳамда тарафларнинг тушунтиришига кўра даъвогар Ж.Ж. ва М.Ж.лар 2014 йил декабрь ойига қадар умумий рўзгор асосида биргаликда яшашган ва суднинг 2016 йил 14 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра улар никоҳдан ажратилган.

Бешариқ туман ҳокимининг 2017 йил 8 февралдаги 81-сонли қарорига кўра, низоли бўлган 113-үй-жой Ж.М.нинг номига эгалик хуқуқи белгиланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган.

Бешариқ тумани, Юқори Зарқайнар МФЙ, Янгиҳаёт кўчаси, 113-үй-жойнинг кадастр ҳужжатлари тавсифига кўра, 0001 яшаш биноси 1987 йилда, 0002 молхона 1993 йилда, 0003 девор 1998 йилда ҳамда эшик 2015 йилда қурилганлиги қайд этилган.

Бешариқ тумани давлат нотариал идорасининг 2017 йил 22 март куни реестрга 1183-рақам билан қайд этилган ҳадя шартномасига кўра М.Ж. ўзининг номида бўлган Бешариқ тумани, Юқори Зарқайнар МФЙ, Янги ҳаёт кўчаси 113-үй-жойни набираси жавобгар Ф.Т.га ҳадя қилган.

Жавобгар Ф.Т. эса 2017 йил 12 июль куни реестрга 4590-рақам билан қайд этилган олди-сотди шартномасига кўра низоли уй-жойни А.Т.га ўзаро келишган ҳолда сотган.

Биринчи босқич суди, низоли бўлган уй-жой тарафларнинг оиласавий муносабатлари ва умумий хўжалик юритиб биргаликда яшашлари давомида ортирилган мулки





эканлигига асосланиб, Бешариқ тумани, Юқори Зарқайнар МФЙ, Янги ҳаёт күчаси, 113-үй-жойни умумий биргаликдаги мулк деб топиб, ҳадя ва олди-сотди шартномасини даъвогар Ж.Ж.нинг розилигисиз амалга оширилганлиги асосида ҳақиқий эмас деб топиб, тўғри хulosага келган бўлса-да, бироқ вилоят суди апелляция инстанцияси мазкур асосларга хукуқий баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъво талабарини рад қилиш ҳақидаги янги ҳал қилув қарори қабул қиласан.

Судлар томонидан уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни кўришда, низоли уй-жойда мавжуд бўлган хоналарни, фойдаланишда бўлган умумий майдонни ва ёрдамчи хўжалик биноларини ҳисобга олиб, айрим хоналарни қайта куриш ҳисобига уй-жойдан фойдаланиш имконияти мавжудлиги тўгрисида тегишли экспертиза хulosаларига асосланмасдан ҳал қилув қарорлари қабул қилинган.

Даъвогар Л.Н. жавобгар Б.Н. ва Х.Н.ларга нисбатан уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ва ўзбошимчалик билан курилган деворни бузиш ҳақида судга мурожаат қиласан.

ФИБ туманлараро судининг 2018 йил июндаги ҳал қилув қарорига кўра даъвогарнинг даъво талаблари рад қилинган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, Яккасарой тумани, Катта Миробод күчаси, 98-уй Б.Н.га Яккасарой туман хокимининг 2017 йил 19 декабрдаги 1222-сонли қарорига асосан тегишли бўлган.

Даъвогар Л.Н. жавобгар Б.Н. билан 1997 йил 26 июлда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Биргаликдаги турмушларидан икки нафар фарзандлари бор.

Даъвогар Л.Н. турмуш қургандан сўнг Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Катта

Миробод кўчаси, 98-уйда 1997 йилдан ҳозирги кунга қадар доимий рўйхатда турган ҳолда икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан доимий равишда яшаб келади.

ФИБ туманлараро судининг 2015 йил 14 октябрдаги ҳал қилув қарори билан, даъвогар Л.Н. икки нафар фарзанди билан низоли уй-жойга яшаш учун киритиб қўйилган ва ҳозирги кунда мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучда.

Даъвогар Л.Н. жавобгар билан уй-жойдан фойдаланишда низо мавжудлиги ва қайд этилган ҳолатларни инобатга олиб, уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ва ўзбошимчалик билан курилган деворни бузишни сўраган.

Биринчи босқич суди даъвонинг уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги талаби юзасидан низони қонуний ҳал қилиш мақсадида суд қурилиш-техникавий экспертизаси тайинлаш ва мутахассис хulosаси асосида ишни кўрмасдан хатоликка йўл қўйган, бу эса, ўз навбатида, суднинг ҳал қилув қарорида баён қилинган хulosаларнинг иш ҳужжатларига тўғри келмаслигига олиб келади.

**Давоми кейинги сонда.**

**Таҳририятдан:** кўриб турганингиздек, мавзу жуда долзарб ва муҳим. Шуни инобатга олиб, мутахассисларнинг умумлаштиришиларига биноан аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиши юзасидан киритган таклиф ва тавсияларини журналинизнинг кейинги сонида беришини режалаштиридик. Ўйлаймизки, ҳурматли муштариий, ушбу муҳим мавзу мухокамасидан сиз ҳам четда турмайсиз.

# ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ



**Худоёр МАМАТОВ,**  
юридик фанлари  
номзоди, профессор

*Янги жамият, ҳар томонлама юксак ривожланган замонавий хуқуқий демократик давлатни барпо этиш сингари муайян ва аниқ мақсадни кўзлаб, ушбу улуг йўлда олдинга интилаётган халқимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Бу халқимизнинг сўнгги йилларда мамлакатимиизда амалга оширилаётган ислоҳотларга муносабатида ҳам намоён бўлмоқда.*

Демак, фуқароларимизнинг хуқуқий маданияти юксалиши баробарида, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам ортиб бораётпи. Инсон ва жамият, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларда кескин бурилишлар кузатилаётгани ижтимоий ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топаётгани ҳам бор гап. Бундай шароитда давлат идоралари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш муҳим аҳамият касб этади.

2016 йил 14 декабрь куни Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида ушбу муҳим масалага алоҳида тўхталиб куйидаги фикрларини билдирган эди.

**“...Халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ти қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратамиз”<sup>1</sup>.**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз қонунчилигига жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг хуқуқий асослари яратилган. Конституциямизнинг 32-моддасига муовফик, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати институтига халқ ҳокимиятининг муҳим элементи сифатида конституциявий мақом берилди ва бу муҳим норма қўйидагича баён этилган. “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.”<sup>2</sup>

Ушбу мақоламиизда мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва уни янада такомиллаштириш масалалари ҳақида атрофлича фикр юритамиз.

Хўш, бугунги кунга келиб бу нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, жамоатчилик назорати механизmlарининг пайдо бўлиши, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Фикримизнинг асоси сифатида тўпланган амалиётдан келиб чиқиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг барча турла-

рида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳал қилувчи аҳамият касб этәётганилиги ни кўришимиз мумкин.

Иккинчидан, ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, моҳияти ва кўлами жиҳатидан ниҳоятда катта демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 май куни қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги<sup>3</sup> Фармонини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Учинчидан, 2018 йилнинг 12 апрель куни жамоатчилик назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ўрни келганда айтиш лозимки, ушбу қонун билан жамоатчилик назоратини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари олиб боришлари мумкинлиги белгиланди.

Энди амалиёт нуқтаи-назаридан нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида жамоатчилик назоратини амалга

оширишда катта имкониятга эга бўлган субъектлардан бири, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги фаолиятига тўхталиб ўтамиз.

2018 йил 27 июняда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида қўйидаги фикрларни билдириб ўтган эди.

**“...ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам адолат тамойилига, ўзининг ҳаётий ва ижодий принципларига содик қолиш, одамларни қийнаётган камчилик ва муаммоларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларни бартараф этиш учун жамоатчилик фикрини шакллантиришга, аввало, сизлар каби маънавий жасорат эгаларигина қодир бўлади.”<sup>4</sup>**

Дарҳақиқат, жамият ҳаётида учрайдиган барча муаммоли масалалар мана шу “тўртинчи ҳокимият” вакилларининг хизматлари эвазига кўтарилиб чиқлади.

Бугунги кунда кенг жамоатчилик ёки давлат ҳаётига тааллуқли бирор бир масала ёки муаммо юзасидан жамият аъзоларининг турли-туман қарашлари, фикр-мулоҳазалар айтиладиган, муносабати билдириладиган, беозор баҳслашиладиган мунозара майдони ёки минбари айнан оммавий ахборот воситалари бўлиб қолди.

Бу борада Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилиладиган бир қатор кўрсатувларни, жумладан, “Муносабат”, “Сайёр камера”, “Нигоҳ”, “Очиқ мулоқот”, “Қонун доирасида”, “Кўзгудаги биз” каби танқидий ва таҳлилий кўрсатувларида, булардан ташқари кўплаб информацион телерадиодастурларда ҳаётда учраб турадиган муаммоли масалалар ёритилиб келинмоқда. Айниқса, кейинги пайтларда бундай танқидий-таҳлилий кўрсатув ва лавҳалар сони кўпайди. Масалан, “O’zbekiston-24” телеканалининг дастурларида оддий майший муаммолардан тортиб, давлат ва жамият ҳаёти билан бевосита боғлиқ бўлган катта-катта муаммоли мавзулар олиб чиқимоқда. Бундай телерадиодастурларнинг доимий эфирга узатилиши жамоатчилик назоратига амалий мисол бўла олади.



**Бундан ташқари, ЎзМТРК радио эшиттиришларида истиқлол йилларида ўзбек тилининг амалда қўлланилиши ниҳоятда кенгайганлиги, ўзбек тилининг изоҳли лугати нашр этилгани, бироқ бугун хонандалар энг ночор, ғаридан сўзлардан қўшиқ ясад олишаётгани, кинофильмларда шевага хос сўзлар ва иборалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани, турли реклама баннерларидағи хатоликлар, савдо шаҳобчаларидағи эътиборсизликлар, дид ва савияни юксалтиришда ОАВнинг ўрни катталиги ҳақида сўз боради.**

Аслида оммавий ахборот воситалари фаолияти юритишидан кўзланган мақсад ҳам шу. Жамиятдаги муаммоларнинг борлигини, энг асосийи унга ечим топиш кераклигини айтишдан иборат. Шу тариқа одамларнинг теварак атрофларида кечётган воеа ва ҳодисаларга нисбатан жамоатчилик фикрини уйғотишдан иборат. Матбуотнинг барча жанрлари ҳали ҳануз айни мана шу мақсадга хизмат қилиб келади. Кенг жамоатчилик ўртасида хабар тарзида ёйиладиган барча ахборотлар сабаб ва оқибат баёнида кенг ва чуқур таҳлилий муносабатга муҳтоҷ бўлади.

**Тан олиб айтиш керак, кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида танқидий-таҳлилий материаллар сони кўпайди. Босма оммавий ахборот воситаси бўлган газета ва журналларда ҳам бу ўзининг аксини топиб бормоқда. Фикримиз далили учун айтиш керакки "Адвокат" журналининг 2018 йил 3-сонида нашр қилинган бир қатор мақолалар жамоатчилик назоратига амалий мисол бўла олади.**

Юқорида келтирилган мисоллардан аниқ кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситалари орқали давлат органлари фао-



лиятидаги айрим камчилик ва нуқсонлар, қонун бузилиши ҳолатлари рўй-рост айтилмоқда. Шу тариқа жамоатчилик назорати ўрнатилишига асос бўлмоқда. Демак, оммавий ахборот воситалари жамиятнинг кўзгуси, жамоатчилик фикрини ифода этиш воситаси сифатида энг долзарб муаммолар, баҳс ва мунозара га сабаб бўлгувчи масалаларга эътиборни қаратмоқда.

Энди ОАВ орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизмларини янада такомиллаштириш учун "Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган "Журналист текшируви" институтидан фойдаланган ҳолда, материалларни кўпроқ тайёрлаш керак. Ушбу Қонуннинг 9-моддасида бу норма қўйидагича белгиланган. "Журналист ўз текширувlarinинг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш билан бирга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалири, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга тақдим этиш орқали жамоатчилик назоратини амалга ошириши лозим."<sup>5</sup>

Шубҳасиз, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларидан бири, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб ҳисобланади. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуннинг 16-моддаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши" деб номланади.

Ушбу моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш шакллари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги кафолатлари аниқ мустаҳкамлаб кўйилган.

Қонунда “Жамоатчилик назорати” институтига кўйидагича таъриф берилган – давлат органлари фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи қонун хужжатларига риоя қилмаслик ҳолатларини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.<sup>6</sup>

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари ўз худудида мавжуд муаммоларни бошқаларга нисбатан яхши тушундилар ва уларни бартараф этишга нисбатан ўзларини масъул деб биладилар.

Шу билан биргаликда, мазкур Қонунда **фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши тартиби** ҳам белгилаб кўйилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назорати фуқаролар йигини (унинг комиссиялари) иш режасига асосан ёки фуқаролар йигини қарори асосида амалга оширилади. Бундай қарор қабул қилиш учун жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг мурожаатлари асос бўлиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли худуд ёки тегишли худудда

яшовчи фуқаролар манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан давлат органларига ёки уларнинг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирувчи масалалар бўйича тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилишни талаб қилган ҳолда мурожаат қилишлари ёки сўровлар юборишлари мумкин.

Сўровда фуқаролар йигинининг номи кўрсатилиши, сўровнинг моҳияти баён қилиниши лозим. Сўров фуқаролар йигини раиси томонидан имзоланади ва тегишли фуқаролар йигини муҳри билан тасдиқланади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳокамалар, жамоат эшитувлари, мунозаралар ва оммавий ахборот воситаларида чиқишилар ташкил этилиши мумкин. Муҳокамалар, жамоат эшитувлари ва мунозараларга фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилган давлат органи мансабдор шахслари ва бошқа ишчилари ҳам таклиф қилинади.

Жамоатчилик назорати натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайёрланган қарорлари, таклифлари, хуносалари давлат органлари томонидан мажбурий тартибда ўттиз кун ичидан кўриб чиқилади ҳамда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ёзма равишда жавоб берилади. Лекин, қонун уларга берган шундай катта ваколатлардан қайдаражада фойдаланилаяпти деган ҳақли савол туғилади. Очигини тан олиб айтиш керак, ҳамма маҳаллалар ҳам буни етарлича ўз ўрнига қўйган деб айтиш қийин. Агар бу бўйича таҳлил ўтказилса, мавжуд камчиликлар рўй-рост кўриниб қолади.

**Бундан ташқари, қонуннинг тегишли моддаларида фуқаролар йигинлари Кенгашлари маҳаллалар худудидаги корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳисботларини эшитиб бориш ваколатига эга эканлиги белгиланган.**

Мазкур ваколат ҳам жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Маҳаллаларда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмидан биридир. Лекин, очигини айтганда барча фуқаролар йигинлари ҳам қонунда



белгиланган бу муҳим ваколатларидан тўлалигича фойдаланаётганлари йўқ. Тўғрисини айтганда, айрим фуқаролар йигинлари Кенгаши йил давомида бир марта ҳам бундай жамоатчилик эшитувларини ташкил этмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг кўплаб ваколатлари фуқаролик жамияти институтларига берилаётган бир пайтда улар ўзларининг барча ваколатларидан тўлалигича фойдаланиши лозим. Шундай давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятига алоҳида масъулият ва жавобгарлик билан ёндашади. Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор. Нима бўлганда ҳам бугунги шиддатли ислоҳотлар жараёнида ҳар бир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларига қонун билан берилган ваколатлардан унумли фойдаланиб, жамоатчилик назоратини амалга оширишлари лозим.

Сиёсий партиялар орқали ҳам жамоатчилик назоратини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Амалиёт нуқтаи-назаридан қараб ёндашганимизда, бу масала бўйича сиёсий партиялар фаолиятидаги айрим муммом ва камчиликлар борлиги айни ҳақиқат.

Шунинг учун Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузаларида “бугунги кунда сиёсий партиялар ўз электоратига берган ваъдаларини, сайловолди дастурларини тўла ва самарали бажармоқда, деб айттолмаймиз. Улар ҳанузгача мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, фуқаролар онгига ўзининг мустаҳкам ўрнини эгаллай олмади”<sup>7</sup> дея таъкидлаб ўтган эди.

Мамлакатимиздаги шиддатли демократик янгиланишлар жараёнида мавжуд 5 та сиёсий партия ҳам дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, фаол иштирок этиб, жамоатчилик назоратини амалга ошириши керак.

Сиёсий партиялар орқали жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг механизmlарини такомиллаштириш ҳақида сўз боргандা, уларнинг Қонунчилик палатасидаги фракциялари ёки маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари мансабдор шахсларининг фаолияти юзасидан ахборотларини эшитиш масаласини айтиб ўтиш ўринли. Бу борада Парламентда маълум бир амалиёт, ижобий натижага шаклланётган бўлишига қарамасдан, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларида фаоллик етишмайди.



Сиёсий партиялар вакиллари фақатгина мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни кўллаб-куватлаш билан чекланиб қолмасдан, бугунги баъзи бир ҳаётий муммомларга маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларининг эътиборини қаратиб, амалий ечим топилишига ҳиссалари ниҳиёларни талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назорати Ўзбекистон Президенти томонидан мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичида энг асосий вазифа деб қўйилган фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ҳамда қонун хужжатлари талабларига давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан оғишмай риоя этилишини, улар олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга қаратилган ниҳоятда муҳим институтдир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, доимий равиша **мамлакатимизда давлат идоралари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш механизmlарини ишлаб чиқиш ва уни янада такомиллаштириб бориш долзарб аҳамият касб этади**.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёев, “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. Тошкент. 141-142-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 й., 16-сон.
3. “iza.uz” расмий сайтси, 2018 йил 5 май.
4. “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2018 йил 28 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 4-5-сон, 110-модда.
6. «Ҳалқ сўзи» газетаси, 2013 йил 23 апрель., 77 (5751)-сони.
7. Шавкат Мирзиёев, “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”. “Ўзбекистон” НМИУ. 2017. Тошкент. 542-бет.



Раҳимқул ТОШБОЕВ,  
Судьялар олий мактаби  
бош мутахассиси

## ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИГА ҚАТЪЙЙ РИОЯ ҚИЛИШ СУДЬЯЛARНИНГ МАЖБУРИЯТИДИР (ИККИНЧИ МАҚОЛА)

**Хабарларингиз бор, журналинизнинг 2018 йил 7-сонидан бошлаб янги таҳрирда қабул қилинган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексида назарда тутилган қоидалар ва унинг аҳамияти тўғрисида туркум мақолаларни бера бошладик. Ушбу иккинчи мақолада судьянинг ушбу Кодексга риоя этиши мажбурияти тўғрисида сўз юритамиз.**

**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2018 йил 29 январдаги 490-сонли қарори билан янги таҳрирда қабул қилинган Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодекси 2-моддаси. Судьянинг ушбу Кодексга риоя этишига доир мажбурияти:**

Судья одоб ва ахлоқнинг юқори стандартларига амал қилиши, ушбу Кодекс нормаларига сўзсиз риоя этиши, ҳар қандай вазиятда ҳаққоний бўлиши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ва судьянинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа тувдириши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Ушбу Кодексга риоя этиши судьянинг қалб амри, ҳаётининг қоидаси бўлиши, жамиятнинг суд тизимиغا, одил судлов малакали, мустақил, холис ва адолатли тарзда амалга оширилаётганлигига бўлган ишончини мустаҳкамлашга кўмаклашиши керак.

Судья ўз қасамёдига содиқ қолиши, шунингдек, фаҳм-фаросатлилик, хушмуомалалик, ҳалоллик, матонатлилик, илмга чанқоқлик хислатларига эга бў-

либ, жамиятда юксак судьялик мақомига муносиб бўлиши шарт.

Судья юксак маънавий – ахлоқий савияга ва малакага эга бўлмасдан ваколатларини амалга оширишга ҳақли эмаслигини доимо ёдда тутиши шарт.

Судья фикр эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишда одил судловнинг обрўсига путур етказмаслиги керак.

У жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда адолатлилик ва холисликни кўрсатиб, сансоларликка йўл қўймаслиги лозим.

Судья суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиши керак. Шунингдек корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши лозимлигини, унинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилганлигини доимо ёдда тутиши лозим.



Судья ўз касбий фаолияти, шунингдек, хизматдан ташқари, яъни кундалик турмуши давомида ҳам доимий равишда жамоатчилик дикқат-эътиборида бўлади. Яъни жамоатчилик бошқа одамларга нисбатан судьянинг юриш-туришини, хулқ-атворини синчковлик билан кузатади ва унга баҳо беради.

Агарда судьянинг хатти-ҳаракатида унинг обрў-эътиборига путур етказадиган ёки унинг холислиги, мустақиллиги ва беғаразлигига шубҳа тугдирадиган ҳолатлар кузатилса, ўз-ўзидан аёнки, жамоатчиликада суд ҳокимиятияга бўлган ишонч йўқолади.

БМТнинг “Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари” 10-бандида суд лавозимларига танланган шахслар юксак ахлоқий фазилатлар ва лаёқатларга, шунингдек, ҳуқуқ соҳасида муйян тайёр гарликка ва малакага эга бўлиши кераклиги таъкидланган.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги Қонуннинг 21- ва 22-моддаларида бенуқсон обрў-эътибор, ҳалоллик, холислик, адолатлилик, лаёқатлилик, етарли ҳайтий тажрибага эгалик биринчи марта тайинланадиган судьяларни танлашнинг ҳамда уларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига танлашнинг асосий мезонлари сифатида назарда тутилган.

Шунингдек, одоб-ахлоқ қоидалари-га риоя этиш борасида “Судьяларнинг хулқ-атворига оид Банглор принциплари”-нинг 4.2-бандида қўйидагилар қайд этилган:

“Жамоатчилик томонидан бўлган доимий эътибор судьяга ўзига бир қатор чекловларни қабул қилиш мажбуриятини юклайди ва оддий фуқароларга ушбу чекловлар бир мунча оғирлик қилишига қарамасдан, судья уларни ихтиёрийлик ва мамнуният билан қабул қиласди. Хусусан, судьянинг хулқ-атвори юксак мақомли лавозимига мувофиқ бўлиши зарур”.

Демак, ушбу ҳалқаро ҳужжатда ҳам оддий фуқароларга нисбатан судьянинг юриш-туриши, хулқ-атвори жамоатчиликнинг доимий дикқат марказида туриши ва юксак мақомли лавозимига мувофиқ бўлиши зарурлиги белгиланган.

Ўзбек ҳалқига хос бўлган хусусиятлардан бири – бу оиласининг обрў-эътиборини ўйлаган ҳолда, ўзига бирмунча оғирлик қилишига қарамасдан, жамиятда қарор топган қадриятларни эъзозламаса, катталарга нисбатан ҳурматда ва кичикларга иззатда бўлмаса, ҳалоллик ва покликни ихтиёр қилмаса ва бошқа шу каби ахлоқ-одоб қоидаларга риоя қилмаса, у қўни-қўшни, маҳалла, қариндош-уруг ва умуман жамоатчилик назаридан қолган бўлади.

Шу сабабли, оддий фуқаролар ҳам ўзининг ёки оиласининг обрў-эътиборини ўйлаган ҳолда, ўзига бирмунча оғирлик қилишига қарамасдан, жамиятда қарор топган ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этишга ҳаракат қиласди.

Судья зиммасига эса бу борада оддий фуқароларга нисбатан янада кўпроқ масъулият юкландади.

Илк бор судьялик лавозимига сайданган ёки тайинланган шахс судьялик қасамёдини қабул қилганидан кейин ўз вазифасини бажаришга киришар экан, мазкур Кодексда ва жамиятимизда қарор топган одоб-ахлоқ қоидаларида, шунингдек, судьялар одоб-ахлоқни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларида белгиланган айрим чекловларни ихтиёрийлик ва мамнуният билан қабул қилган ҳисобланади.

**Ушбу модданинг иккинчи қисмида қайд этилганидек, Кодексга риоя этиш судьянинг қалб амри, ҳаётининг қоидаси бўлиши керак.**

Судьяга нисбатан биринчи наебатда кўйиладиган талаб бу – ўз қасамёдига содик қолиши ҳамда жамиятдаги юксак судьялик мақомига лойиқ бўлишидир.

Унинг қасамёдга содик қолиши юксак судьялик мақомига лойиқ бўлишининг энг муҳим гаровидир.

Шу сабабли ҳам, бежизга Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 72-моддасида судьянинг қасамёдини бузиши унинг ваколатини муддатидан илгари тугатиш учун асос бўлиб ҳисобланishi белгиланмаган.

Судьянинг ўз қасамёдига ҳамда жамиятдаги юксак судьялик мақомига зид хатти-ҳаракатлар содир қилиши, нафақат унинг ўз обрўсига, балки бутун суд ҳокимиятининг обрўсига пуртур етказади ва халқнинг норозилиги га сабаб бўлади.

Бундан ташқари, судья фаҳм-фаросатлилик, хушмуомалик, ҳалоллик, матонатлилик, илмга чанқоқлик хислатларига ҳам эга бўлиши лозим. Чунки, айнан шу хислатларга эгалиги билан у бошқа фуқаролардан ажralиб туриши ва уларга ўрнак бўлиши керак. Судья муайян бир ишни ҳал қилишга киришар экан, ишнинг барча ҳолатларини фаҳм-фаросатлилик ва синчковлик билан текшириши зарур. Бунинг учун эса ҳуқуқшуносликдан ташқари барча фан ва ихтисосликлар бўйича имкони борича етарли илмларга эга, тарафларга ва суд процессининг бошқа иштирокчиларига нисбатан хушмуомалик билан муносабатда бўлиши ва уларга қўполлик қилмаслиги, иш юзасидан ҳалоллик ва адолатлилик билан қарор қабул қилиши лозим.

Судья ўзининг иш юритувида бўлган ишлардаги мавжуд далилларни ҳар томонлама синчковлик билан ўрганиб

чиқиши, шунингдек, иш бўйича тарафларнинг келтираётган важларига баҳо бериси учун ушбу соҳалар бўйича етарли тушунча ва билимларга эга бўлиши лозим. У айнан шу хислатларга эга бўлсагина, жамиятда юксак обрў-эътибор қозонади ва суднинг вазифасини тўлақонли амалга ошира олади.

**Масалан, судья ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “б” банди (кўп миқдорда солиқ тўлашдан қасдан бўйин товлаш) билан айбланиб, судга берилган А. исмли шахснинг суддаги ҳисоб-китобда янгишган ҳолда қўшилган қиймат солигидан ортиқча тўловни амалга оширганлиги ва ушбу ортиқча тўлов суммаси кам ҳисобланган фойда солиги суммасининг ўрнини тўлиқ қоплаши, бироқ тергов органи ушбу ҳолатни инобатга олмаганилиги ҳақида келтирган важини асоссиз деб ҳисоблаб, унга нисбатан айблов ҳукми чиқаради.**

**Агарда судья Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 56-моддаси мазмунидан хабардор бўлганида, бундай ҳолатда А.ни жиноий жавобгарликка тортиб бўлмаслиги сабабли, унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарар эди.**

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, одобахлоқ қоидаларига риоя этиш ва унга риоя этаётганлигини намоён қилиш судьялар фаолиятининг ажралмас қисми эканлигини доимо ёдда тутиш лозим.

Шунингдек, судья юксак маънавий – ахлоқий савияга ва малакага эга бўлмасдан судьялик ваколатларини амалга оширишга ҳақли эмаслигини доимо ёдда тутиши шартлиги шарҳланаётган ушбу модданинг тўртинчи қисмида алоҳида таъкидланган.

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев 2017 йилнинг 13 июнь куни судьялар билан ўтказган учрашувда суд тизимида адолат принципига нечоғли риоя қилинаётганлиги ҳақида атрофлича тўхталди.

Асосий мақсадимиз, деди Давлатимиз раҳбари, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали ҳалқимизнинг суд тизимиға бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш, уни том маънода «Адолат кўргони»га айлантиришдан иборатdir.

Йигилишда адолат ва маънавият – ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалар экани, маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмаслиги, шунинг учун ҳам судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимиға тайнинлашда бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги уқтириб ўтилди.

Айнан маънавий фазилатларнинг етишмаслиги туфайли айрим судьялар ўртасида қонунга зид ҳаракатлар содир этиш, нопоклик, тъмагирлик, одамларнинг дарду ташвишларига лоқайд қараш, адолат мезонларига хилоф равишда қарорлар қабул қилиш ҳолатлари учраб келаётгани қаттиқ танқид қилинди.

**Судьялик лавозимиға тайнинланаётган ёки сайлананётган ҳар бир шахс ўзига «Мен судьяликдек юксак лавозимда ишлашга лойиқманми?» ёки «Судьялик мажбуриятларини зинмамга олишга тайёрманми ва чиқарадиган ҳар бир қароримнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига кафолат бера оламанми?» деган саволни бериши мақсадга мувофиқdir.**

Фикримизча, ушбу саволларга вижданан, тўлақонли ички қониқиши билан ижобий жавоб бера олган шахсигина судьялик лавозимиға талабгор бўлиши мумкин. Шу сабабли, илк бор судьялик лавозимиға тайнинланаётган (сайлананётган) ёки ушбу лавозимда ишлаб келаётган ҳар бир ходим судьялик қанчалик масъулиятли ва залворли юқка эга лавозим эканлигини чуқур англаб етиши шартdir.

Судьянинг одил судловни амалга ошириш давомида ўз фикрини эркин ифодалаш хуқуқидан фойдаланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки у жамиятда қонун устуворлигини ва ижтимоий адолатни таъминлаш, қонунчиликни такомиллаштириш ва мамлакатда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларини ва бошқа юридик масалаларни муҳокама қилишда ўз фикри билан иштирок этиши лозим.



Аммо, шу ўринда таъкидлаш керакки, судьянинг фикр эркинлиги хуқуқи чексиз эмас, яъни судья бу борада суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигига путур етказиб қўйишдан эҳтиёт бўлиши шарт.

Агарда судья фикр эркинлиги хуқуқини сунистеъмол қилган ҳолда суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигига путур етказган ҳолларда унга нисбатан белгиланган тартибда интизомий жавобгарлик чоралари кўлланилади.

Бунга мисол сифатида судда кўриб тамомланмаган муайян иш юзасидан олдиндан ўз фикрини билдириш, муайян иш бўйича қабул қилинган суд қарори қонуний кучга кирмасдан туриб, у юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлилар қилиш, судьяларнинг маслаҳат сирини ҳамда ёпик суд мажлислари ўтказиш чоғида олинган маълумотларни ошкор қилиш каби ҳолатларни келтириш мумкин.

**Масалан, судья даъвогар Б.нинг мерос масаласига оид даъво аризасини кўриб чиқиши давомида, ҳали ишни мазмунан кўриб тамомламасдан туриб, даъвогар Б.нинг даъво аризаси асосиз эканлиги тўгерисидаги ўз фикрини жавобгар томоннинг вакилига баён қилган.**

**Бундан хабардор бўлган даъвогар Б. бу ҳақда Судьялар олий кенгашига шикоят билан мурожаат қилган. Ўтказилган хизмат текшируви давомида даъвогар Б.нинг важлари ўз тасдиғини топган ва судьяга нисбатан интизомий жавобгарлик чораси қўлланилган.**

Судьялар мақоми тұғрисидаги Европа Хартиясида ҳам судья унинг холислиги ва мустақиллігінде бүлгап ишончга зиён етказувчи ҳар қандай хұлқ-атвордан, хатты-харакатдан ёки фикр билдиришдан тишилиши лозимлігі назарда тутилған.

Судья муайян иш юзасидан маслаҳат уйида үзи ёки бошқа судья томонидан билдирилған фикрларни, уларнинг судлов ҳайъати томонидан инобатта олинған ёки олинмаганлыгини ошкор қилиши, дастлабки тергов органининг иш юритувида бүлгап муайян жиноят иши юзасидан ўтказилаёт-ған тергов ҳаракатларига, ҳали жиноят иши судга келиб тушмасдан туриб, баҳо берииши мүмкін эмас.

**Амалиёттәдә айрим ҳолларда судья муаяйн бир жиноят иши юзасидан үзи чиқарған суд қароридан норози эканлығы, чунки бу қарорни қонунга ва ўзининг ички ишончига асосланыб әмас, балки үзиге ёки яқинларига нисбатан келгусида бирон-бір салбий ҳаракатлар содир бўлиши мумкинлигини ўйлаган ҳолда, ташқи кучлар таъсирни остида қабул қилишга мажбур бўлганлиги ҳақида таниш-билишлари ёки ҳамкасларига фикр билдирганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.**

Таъқидлаш лозимки, бундай фикри билан судья ўзининг судьялық лаёқатига эга әмаслыгини, масъулиятсизлигини, Конституция ва қонунларни мұқаддас билмаслигін ошкор қилип құяды.

Ваҳоланки, судья ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тұла, ҳар томонlama ва холисона күриш чиқиши асосланған ҳолда қонунга ва хуқуқий онгга амал қилиб, ўзининг ички ишончлари бўйича далилларга баҳо берииши, ҳар бир далилни ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нұқтаи назаридан баҳолаши лозим.

Шу сабабли шархланыёттән мазкур мөддәнинг түртінчи қисмидә судья фикр әркинлиги хуқуқини амалга оширишда одил судловнинг обрўсига пүтур етказмаслиги кераклиги белгиланған.

2017 йил 12 сентябрь кунидан эътиборан кучга кирған Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тұғрисида"ғи Қонуни билан давлат органлари ва давлат муассасаларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлық тұғрисидаги, Фуқаролик процессыал, Жиноят-процессыал, Жиноят-ижроия, Иқтисодий процессыал, Маъмурий суд ишларини юритиш тұғрисидеги кодексларида процессыал мурожаатларни күриб чиқишининг алоҳида тартиблари белгиланған.

Судья жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини күриб чиқишида юқорида қайд этилған қонун ҳужжатларига қатый амал қилиши шарт.





Яъни судья жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлмаган мурожаатларини Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунига мувофиқ кўриб чиқиши керак.

Ушбу Конуннинг амал қилиши кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга, давлат органларининг, шунингдек, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбик этилмайди.

Шу сабабли, судья жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлган мурожаатларини тегишли процессуал қонунчилиқда белгиланган муддат ва тартибда кўриб чиқиши лозим.

Судья мурожаатларни кўриб чиқиша қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Судья мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиша адолатлилик ва холисликни кўрсатиб, сансалорликка йўл қўймаслиги лозим. Яъни қонунда назарда тутилган ҳоллардан ташқари мурожаатларни кўрмай қолдиришга ёки уларни кўриб чиқиши тугатишга йўл қўймаслиги, қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларга қатъий риоя қилиши, унда келтирилган ҳар бир важни синчковлик

билан атрофлича ўрганиши, ўрганиш натижаси юзасидан мурожаат қилувчига батафсил жавоб хатлари юбориши лозим.

Бундан ташқари, мурожаатларни кўриб чиқиш борасидаги талаблар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 6 июлдаги РС-36-18-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуий судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада белгиланган. Мазкур Йўриқнома 2018 йил 1 августдан бошлаб амалга киритилган бўлиб, судларда жисмоний ва юридик шахсларнинг процессуал характерга эга бўлмаган мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Шундан келиб чиқиб, судья ўз фаолияти давомида суднинг эътибори нимага қаратилганлигини доимо ёдда тутиши ҳамда қонунга кўра шуғулланишга рухсат берилган бошқа турдаги ҳаракатларини (илмий, педагогик, адабий ва бошқа) амалга ошириши судьялик фаолиятига халақит бермаслиги лозимлигини унутмаслиги керак.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Конунининг 64-моддаси.
2. «Судьяларнинг хулқ-авторига оид Бангалор принциплари»нинг тўртинчи принципи.
3. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг 2017 йил 13 июндаги «Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш – барча эзгу мақсадларимизга эришишнинг энг муҳим шарти» номли хабари.
5. 1998 йил 8-10 июлда Страсбургда Европа Кенгashi томонидан қабул килинган Судьялар макоми тўғрисидаги Европа Хартиясининг 4.3-банди.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Конуни 1-моддаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Конуни 2-моддаси.



**Дилшод АРИПОВ,**  
Судьялар олий мактаби  
директоры ўринбосари

## СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҲАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР

*Инсон ҳуқуқлари бўйича барча ҳалқаро ҳуқуқ нормаларида ҳар бир шахс ўзининг ишини мустақил ва беғараз суд томонидан адолатли кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси томонидан ҳам ушбу фикр қувватланиб, унда мустақил ва беғараз судга эга бўлиш ҳуқуқи инсоннинг “ҳеч бир истиснога ўйл қўйилмайдиган мутлақ ҳуқуқи” ҳисобланади<sup>1</sup>.*

Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларациясининг 10-моддасида ҳам ҳар бир инсон ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тенглик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги алоҳида белгилаб қўйилган<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1985 йилдаги еттинчи конгресси томонидан қабул қилинган “Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплар”га (кейинги ўринларда – Асосий принциплар) кўра суднинг вазифаси ўз ваколати доирасидаги ишларни холис,

беғараз, фақат қонунга бўйсунган ҳолда ҳеч қандай чекловларсиз, тазиикларсиз ва рафбатларсиз кўриб ҳал қилишдир.

Ушбу асосий принциплардан бири суд ҳокимияти мустақиллигининг зарурий белгисига бағишланган бўлиб, унга кўра суд ҳокимиятининг мустақиллиги давлат томонидан кафолатланиши ва ҳар бир давлатнинг Конституцияси ёки қонунларида мустақамланиши лозим. Барча давлат ва бошқа органлар суд органлари мустақиллигини хурмат ва унга риоя қилишлари шарт<sup>3</sup>.

Европа Кенгашининг судьялар мустақиллигига оид тавсияларига кўра судьялар мустақиллиги конституция ёки бошқа қонун ҳужжатларига аниқ нормаларни киритиш орқали кафолатланиши лозим. Қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари эса судьялар мустақиллигини таъминлашлари, уларнинг мустақиллигини таҳдид остида қолдириши мумкин бўлган чораларга ўйл қўймасликлари шарт.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги, шунингдек, бошқа минтақавий (Африка, Осиё, Тинч океани минтақаси) ҳужжатларда ҳам эътироф этилади. Жумладан, Осиё-Тинч океани минтақаси учун суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципларига оид 1995 йилдаги Пекин декларациясига кўра, суд ҳокимиятининг мустақиллиги у томонидан ишларни ҳал қилишда, фактларни холис баҳолаш ва қонунни тушунишда ҳар қандай ноқонуний бевосита таъсирни истисно этишини талаб этади<sup>4</sup>.





**Судьяларнинг умумжаҳон хартияси ҳам жаҳоннинг барча минтақалари судьялари томонидан маъқулланган бўлиб, унга мувофиқ судьянинг мустақиллиги қонунга асосан беғараз одил судловни амалга ошириш учун зарур ҳисобланади. У бўлинмасдир. Барча миллий ва халқаро муассасалар ҳамда ҳокимият органлари ушбу мустақилликни ҳурмат қилишлари, сақлашлари ва муҳофаза этишлари зарур<sup>5</sup>.**

Демак, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга оид ушбу халқаро принципларнинг мазмун-моҳиятини суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият бўғинларидан алоҳида мустақил ҳолда фаолият юритиши лозимлиги, уни амалда таъминлаш учун давлат томонидан берилган кафолатлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланиши зарурлиги, бошқа ҳокимият бўғинлари суд ишига ҳар қандай кўринишда бўлмасин аралашмасликлари, суд ҳокимиятининг мустақиллигини ҳурмат қилишлари ҳамда уни муҳофаза қилишлари шартлиги таъкидланади.

Мазкур принципнинг амалдаги ижроини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига

бўлиниши принципига асосланиши белгиланган. Конституциянинг ушбу нормаси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуларда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Судлар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонуларда ривожлантирилган.

Шунингдек, Конституциянинг XXII боби суд ҳокимиятига бағишланган бўлиб, унинг 106-моддасида Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши, 112-моддасида эса судьяларнинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунишлари, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши қайд этилган. Ушбу кафолатларнинг ташкилий-хуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар, процессуал қонун ҳужжатларида алоҳида тартибга солинган.

Жумладан, Жиноят кодексининг 236-моддасига мувофиқ суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишнинг ҳар томонлами, тўла ва холисона ўрганилишига тўскинлик қилиш, адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Судьядан кўрилган ёки иш юритишидаги ишлар моҳияти бўйича бирон-бир тушуниришлар беришни, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари, кимга бўлмасин, танишиб чиқиш учун ишларни тақдим этишини талаб қилиш тақиқланади<sup>6</sup>.

**БМТ асосий принципларидан яна бири — судларнинг ишларни ҳал қилиши борасидаги мустақиллигига бағишлиган. Хусусан, ушбу принципга кўра суд органлари ўзларига берилган ишларни холис, фактларга асосланиб ва қонунга мувофиқ, ҳеч бир чекловлар, ноқонуний таъсирлар, босим, таҳдид ёки ким томонидан ва қандай сабаблар бўлмасин бевосита ёки билвосита аралашувларсиз амалга оширадилар.**

Таъкидлаш лозимки, судья ўзининг иш юритувидаги ҳар қандай иш бўйича қарор чиқаришда аралашувлардан ҳимояланиш кафолатига эга бўлмаса, унинг адолатли судловни амалга ошириш мажбурияти бузилади. Бунда судьяларни танлаш ва тайинланишидан бошлаб, уларнинг нафақада бўлиш давридаги мустақиллигини таъминлаш масаласи долзарб ҳисобланади. Судьялар мустақиллигини таъминловчи асослар “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси

Қонунининг 67-моддасида белгиланган бўлиб, уларга: қонунда белгиланган тартибда судьяликка сайлаш, тайинлаш ва судьяликдан озод қилиш, судьяларнинг дахлсизлиги, одил судловни амалга оширишдаги қатъий таомил, қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишининг тақиқланиши, судга хурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик ҳамда судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш кабилар киради.

Бу борада Инсон хуқуqlари бўйича Европа судининг қарорига мувофиқ “бошқа жиҳатлардан ташқари, судьяларни лавозимга тайинлаш тартиби ва уларнинг ваколат муддати, ташки таъсирлардан ҳимояланиш механизмларининг мавжудлиги ва “мустақиллиги” таассуротини уйғотиши масаласи ҳам ҳисобга олиниши зарур”<sup>7</sup>.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга хизмат қилувчи навбатдаги принцип - бу суд органларининг судга таалукли бўлган барча масалалар юзасидан ваколатга эга эканлиги, уларга берилган ишни ҳал қилиш улар ваколатига киришини мустақил ҳал қилишларидир.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида Ўзбекистон Республикасида одил судлов факат судьялар томонидан амалга оширилиши (3-модда), одил судловни амалга оширишда судьялар қатъий таомилга амал қилишлари (67-модда) назарда тутилган. Судья ишни (даъво ариза, ариза, шикоят, материал ва ҳ.к.) қабул қилишдан тортиб, уни мазмунан кўриш





ва қарор қабул қилиш даврида процессуал қонун талабларига қатый амал қилиши зарур. Бу борада барча процессуал кодексларда судларга тааллуқли ва тегишли ишлар рўйхати белгиланган бўлиб, судлар ўртасида ишларнинг тааллуқлилиги бўйича низолар келиб чиқишининг олдини олади.

**Таъкидлаш лозимки, одил судловни амалга ошириш бўйича судларга берилган мутлақ ваколат нафақат уларга хуқук беради, балки ушбу ваколатни қонуний амалга ошириш мажбуриятини ҳам юклайди. Ушбу мажбурият БМТ асосий принципларида ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра судлар суд муҳокамасиниadolatli olib boriшлари va томонлар хуқуқларини ҳурмат қилишлари зарур.**

Ушбу принцип одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар томонидан қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг бузилган хуқуқлариниadolatli ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро адолатсиз қабул қилинган ҳар бир суд қарори бутун суд тизими нуғузига путур етказади, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончининг сусайишига, жамията адолатни суддан ташқари усуслар ёрдамида қарор топтиришга уринишлар бошланишига, натижада бутун мамлакатда қонун устуворлигининг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Шунинг учун қонунчиликда судьяларнинг хуқуқлари билан бир қаторда, уларнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида белгиланган бўлиб (66-модда), унга кўра судьялар ўз ваколатлари доирасида ишларни кўриш чогида қонунларга сўзсиз риоя этиши, фуқароларнинг хуқук ва эркинликлари, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулки, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг хуқуқлари ҳамда қонун билан кўрикланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаши, бегараз ва адолатли бўлишлари шарт.

“Судлар тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ушбу қоидага амал қилишни таъминлаш механизми судьяларни юридик жавобгарликка тортиш, уларнинг ваколатларини тўхтатиш ёки муддатидан аввал тугатиш институтлари ёрдамида амалга оширилади. Бундан ташқари, судьялар фаолиятини баҳолаш, судья ва унинг яқин қариндошлари даромадлари ва мол-мулкининг ҳисобини юритиш, суд ишларини кўришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш усусларидан ҳам фойдаланилади.

Навбатдаги принцип мазмунига кўра одил судловни амалга ошириш жараёнига ноқонуний ёки рухсатсиз аралашишга йўл қўйилмайди, судлар томонидан қабул қилинган суд қарорлари қайта кўриб чиқилмаслиги лозим. Ушбу принцип судлар томонидан қонун ҳужжатларига кўра суд қарорини қайта кўриш ёки ҳукмларни енгиллаштиришга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу принцип одил судловни фақат судлар амалга ошириши лозимигини, суд қарорлари устидан бериладиган ҳар қандай шикоят ҳам айнан суд органлари томонидан қайта кўриб чиқилиши шартлигини белгилайди. Шунинг учун “Судлар тўғрисида”ги

Қонуннинг 1-моддасидаёқ фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган. Амалдаги процессуал кодексларда суд хужжатлари устидан шикоят қилиш (протест келтириш) асосида ишларни юқори инстанция судлари томонидан қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги назарда тутилган. Бироқ қайта кўриб чиқиш институти фақат қонунда белгиланган асослар ва тартибда амалга оширилиши шарт. Бу борада қонунчилигимизда суд қарори устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳуқуқига эга шахслар доираси, қайта кўриш асослари, муддатлари ва тартиби, юқори инстанция судининг ваколатлари аниқ белгиланган бўлиб, мақсад – адолатни ва қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг овора-гарчилигининг олдини олишдир.

Амалиётда айрим ҳолларда (оклов ҳукми чиқарилган, давлат манфаатига молик ишлар ва ҳ.к.) судьялар томонидан процессыал талабларга риоя қилмаган ҳолда шикоят ва протестларни қабул қилиш ва суд ишларини қайта кўриш ҳолатлари учрайди. Бунинг турлича объектив ва субъектив сабаблари бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам, ноконуний равишда қабул қилинган ва мазмунан кўрилган ҳар бир шикоят (протест) суд ҳокимиятининг мустақиллигига қилинган тажовуз ҳисобланади.

Бу борада Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 34-бандида оклов ҳукмларини чиқариш салбий ҳолат сифатида баҳоланишига чек кўйиш, оклов ҳукми чиқармаслик учун судьяларга босимни камайтириш мақсадида судьяларнинг профессионал фаолиятини баҳолаш тизимини ўзгартириш зарурлиги қатъий равишда тавсия этилган. Оклов

ҳукмларининг сони ҳеч қачон судьялар фаолиятини баҳолашнинг мезони бўлиши мумкин эмас. Оклов ҳукмлари устидан шикоят қилиш, факат истисноли ҳолатлардан ташқари, чекланиши керак.

**Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашда унинг моддий жиҳатдан мустақиллигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро ўз эҳтиёжлари учун пулмаблагларига эга бўла олиш, улардан мустақил фойдаланиш, судьяларнинг мақомига муносаб бўлган моддий ва ижтимоий таъминотни яратиш жамиятда суд ҳокимиятининг обўсини оширишга, аҳолининг судларга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қиласди.**

Бу борада БМТ асосий принципларида ҳар бир давлатнинг суд органларига ўз ваколатларини белгиланган тартибда амалга оширишларига имкон берувчи тегишли маблағ билан таъминлаши зарурлиги белгиланган.

Маълумки, суд тизими давлат бюджети хисобидан молиялаштирилади, бу эса, ўз навбатида, қонунчилик ёки ижро ҳокимияти тармоғи томонидан белгиланади. Шуниси муҳимки, суд ҳокимияти ўзининг йиллик бюджетини мустақил белгилаши лозим, давлат бюджетини тасдиқловчи органлар ва шахслар суд тизимининг эҳтиёжларини эътиборга олишлари шарт. Ресурсларнинг етишмаслиги суд тизимининг коррупция-



га мойиллигини келтириб чиқариши, унинг мустақиллиги ва холислигини сусайтириши мумкин. Суд тизими учун зарур бўлган ресурсларни ажратишда судьялар ёки судлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилиши керак<sup>8</sup>.

Суд тизимининг мустақиллиги ва холислигига раҳна соловчи омиллардан яна бир - унинг ўз бюджетини ишлаб чиқишида иштирок этмаслиги ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, маблағларнинг чегараланиши ҳар қандай тузилма устидан назоратнинг энг кенг тарқалган ва самарали усулларидан биридир. Зоро ҳокимият бошқа тармоқларининг суд тизими учун ажратилаётган маблағларни тақсимлаш ва тасаррuf этиш жараёнидаги кучли таъсири уларнинг суд ишларига таъсири ўтказиш бўйича реал имкониятини келтириб чиқаради. Бу эса суд ҳокимиятининг мустақиллигини чегаралашга олиб келади. Шу мақсадда кўплаб давлатлар суд тизими таркибида суд ресурсларини бошқариш учун масъул бўлган органларни тайинлади ва шу орқали суд органи автономлигини мустаҳкамлайди.

Киев конференцияси тавсияларига кўра суд тизими бюджети бўйича таклифлари юзасидан ҳукуматнинг мажбуриятлари ва парламентнинг давлат бюджетини қабул қилиш бўйича ваколатлари мавжудлигидан қатъи назар, суд ҳокимияти манфаатларини ифодаловчи орган, масалан, судьялар кенгаши, ҳукуматга суд тизимининг бюджет талаблари бўйича маълумотини тақдим этиши тавсия этилган. Шунингдек, ушбу орган бюджет муҳокамасида парламент олдида чиқиш қилиш имкониятига эга бўлиши лозим. Судьялар кенгаши бюджет маблағларини суд тизими ичida тақсимлаш жараёнида ҳам иштирок этишлари мумкин<sup>9</sup>.

Шуни таъкидлаш керакки, халқаро андозалар ҳар бир давлатга суд тизимининг етарли даражада молияланишини кафолатловчи энг яхши усулларни мустақил равища белгилаш имконини беради. Етарли даражада молиялаш суд тизими мустақиллигининг энг муҳим таркиби қисми бўлгани сабабли, ушбу тамойил ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизимига асосан унинг Конституциясига киритилган бўлиши керак. Ушбу талабни бажариш учун айрим конституцияларда адолатли судловни амалга ошириш учун давлат бюджетининг белгилаб қўйилган фоизи ажратилиши ҳақидаги қоида кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳокимиятининг мустақиллигига оид халқаро стандартлар мамлакатимизда суд тизими мустақил-



лигига оид ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишда асосий ҳуқуқий мезон ва турткти ҳисобланади. Бироқ уларнинг амалда тўлиқ ўз ифодасини топиши, кўп жихатдан, мазкур нормаларнинг ҳар бир давлатнинг конституцияси ёки қонунларида белгилаб қўйилишига боғлиқ. Зоро суд мустақиллигига оид кафолатларнинг фақат қонунларда белгиланиши суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш гарови ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар:

- Маълумот № 263/1987, Мигель Гонсалес дель Рионинг Перуга қарши иши, 5.2.-параграф.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Буш Ассамблеясининг 217 А (III) Резолюцияси билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган.
- БМТнинг Суд органлари мустақиллигига оид асосий принциплари. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноятчилар билан муомала қилиш бўйича 1985 йил 26 август-6 сентябрь кунлари Миланда ўтказилган БМТ Етиччи Конгресси томонидан қабул қилинган. БМТ Буш ассамблеясининг 29.11.1985 йилдаги 40/32-сонли 13.12.1985 йилдаги 40/146-сонли резолюциялари билан маъқулланган.
- Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принциплари тўғрисидаги Пекин декларацияси. АПСАТ минтақаси олий судлари раислари ва Осиё-Тинч океани минтақасининг бошқа судьялари томонидан 1995 йилда қабул қилинган. 2001 йилда АПСАТ Кенгаши томонидан қабул қилинган.
- Умумжаҳон судьялар хартиясининг 1-моддаси. Халқаро судьялар ассоциацияси томонидан 17.11.1999 йилда маъқулланган.
- “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 69-моддаси.
- Инжал Туркияга қарши, 69-параграф. Финдли Бирлашган Қиролликка қарши, 73-параграф. Брайан Бирлашган Қиролликка қарши. ИХЕСнинг 1995 йил 22 ноябрдаги қарори, А серияси, 335-А сон, 37-параграф.
- Коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича стратегия режаси. Судьялар ва адвокатларнинг мустақиллиги бўйича Халқаро юристлар комиссияси Маркази (САММ). САММ йилномаси. 2000 йил. 127-бет.
- Шарқий Европа, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида суд ҳокимияти мустақиллиги масалалари бўйича Киев конференцияси тавсияларининг 6-банди. 23-25 июнь, 2010 йил.



Элёр Соибназаров,  
Гулистан туман-  
лараро иқтисодий  
суди судьяси



## БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИ: СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

**Банкротлик институти ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга иқтисодий ночор корхоналарни молиявий согломлаштириши орқали ёки иқтисодий ночор, рентабелсиз ва истиқболсиз хўжалик юритувчи субъектлардан иқтисодиётни халос қилиш йўли билан иқтисодиётни мустаҳкамловчи амалдаги механизмлардан бирни ҳисобланади.**

**Банкротлик тўғрисидаги қонунчиликнинг мураккаблиги ва шу билан бирга, бозор шароитида хўжалик муоммаласини ҳуқуқий тартибга солиша мухим ўрин эгаллаши инобатга олинган ҳолда, бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида” ги Қонуни бир неча марта янги таҳрирда қабул қилиниб, ўз навбатида, мазкур Қонунга кўплаб ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.**

**Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг бизнес юритиш рейтингида банкротликка рухсат берииш индикатори бўйича 190 та давлат орасида Ўзбекистон 91-ўринда қайд этилган. Бу ҳолат ҳали ҳам мамлакатимизда банкротлик ҳолатлари ни қайд этиш ва уни амалга ошириш билан боғлиқ жараёнлар етарли даражада тартибга солинмаганлигидан, мураккаблик ва чалкашликлар мавжудлигидан далолат беради.**

Президентимизнинг 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўринларини сезиларли равишда яхшилаш борасида топшириқ ва вазифалар берилган эди. Буни амалга ошириш учун эса, табиийки, аввало вазиятни ўнглаш керак, ишни орқага тортаётган муаммоларнинг асл сабабларини аниқлаш лозим.

Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг ўринини яхшилаш, 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси талабларини ҳамда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, 2019 йил 1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Банкротлик таомилларини янада содда-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА  
СОДДАЛАШТИРИШ  
ВА СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎГРИСИДА



лаштириш ва суд бошқарувчилари фаолитини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари түгрисида" ги қарорни имзолади.

Президентимизнинг ушбу қарори соҳадаги ана шу чалкашликларга барҳам бериш, банкротлик ҳолатларини қайд этишининг соддалаштирилган, шаффоғ тизимини амалиётга жорий этишни таъминлайди.

Унга кўра, 2019 йил 1 июлдан эътиборан, агар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имкони бўлмаса, давлат солиқ хизмати органлари ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш түгрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин бўлади. Амалдаги қонунчилиқда эса бундай муддат умуман белгиланмаган эди.

Иккинчидан, банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақининг камида уч юз баравари, қарздор якка тартиbdагi тадбиркорга ёки якка тартиbdагi тадбиркор мақомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг камида йигирма бараварини ташкил этса, суд томонидан банкротлик түгрисидаги иш қўзғатилиши мумкин. Ушбу суммаларнинг сезилари даражада пасайтирилиши ҳам бежиз эмас. Амалдаги банкротликка оид қонунчилиқка кўра, банкротлик түгрисида иш қўзғатиш учун қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси энг кам иш ҳақининг камида беш юз баравари, қарздор якка тартиbdагi тадбиркор ёки ушбу мақомни йўқотган жисмоний

шахсга нисбатан эса энг кам иш ҳақининг камида ўттиз бараварини ташкил этиши лозим эди. Бу ҳолат ўз-ўзидан кредиторлик қарзларининг асоссиз равишда ошиб кетишига олиб келади.

Учинчидан, тугатишига доир иш юритиш муддати тўқиз ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда ушбу муддат банкротлик түгрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Ваҳоланки, бунга қадар банкротлик ишлари бир йил ичида кўриб чиқилган бўлса, ушбу муддатни белгиланмаган муддатга узайтириш имконияти мавжуд эди. Бу эса банкротлик ишларининг асоссиз равишда чўзилишига шароит ярататётган эди. Мисол учун, 2019 йил 1 январь ҳолатига кўра, 64 та банкротлик ишини кўриш муддати бир йилдан, 26 тасиники икки йилдан ортиқ муддатга чўзилган.

Шунингдек, қарорга мувофик, бенефициар ва аффилланган шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасдан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги түгрисида суднинг қонуний кучга кирган ҳукми мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда субсидиар жавобгарликка тортиш учун асос ҳисобланади. Амалдаги қонунчилиқда эса жавобгар шахсларнинг доираси келтириб ўтилмаган эди.

Бундан ташқари, қарорда банкротлик таомили қўлланилган қарздорлар мулкининг тақдирига ҳам аниқлик киритиб

қўйилган. Бундан бўён қарздорларнинг мол-мулки аввалидек аукцион ва танлов савдоларида эмас, балки суд бошқарувчилари томонидан “E-IJRO AUCTION” ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали, ҳамманинг кўз ўнгида, шаффоф тарзда сотилади. Табиийки, бу билан жараёндаги айrim қингирликларга ҳам барҳам берилади.

Шу билан бирга, Президент қарорида суд бошқарувчиларини тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, унга кўра 2019 йил 1 марта́н Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқарувчи миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги республика Бизнес ва бошқарув олий мактабида суд бошқарувчиси атtestатини олишга талабгорларни маҳсус дастур бўйича шартнома асосида ўқитиш; тегишли тоифадаги суд бошқарувчиси атtestатини олиш учун асос бўладиган ўқишни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномани бериш ва суд бошқарувчиларининг касбий даражаси ҳамда малакасини оширишни назарда тутивчи маҳсус курслар ташкил этилади.

Ваҳоланки, ҳозирги кунда мамлакатимизда суд бошқарувчиларини ўқитадиган ва тайёрлайдиган ягона таълим муассасаси, шу қаторида, ўқув режалари ва дастурлари ҳам йўқ эди. Ташкил этилаётган ўқув курслари шартнома ва маҳсус дастур асосида олиб борилади.



## Қарорда белгиланишича, 2019 йил 1 майдан:

► давлат солик хизмати органларининг аризалари бўйича қўзгатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишида суд бошқарувчиларини давлат солик хизмати органлари ходимлари орасидан тайнинлаш амалиёти бекор қилинади (маълумот учун, ҳозирги кунда фаолият олиб бораётган суд бошқарувчиларининг 1032 нафарини давлат солик хизмати органи ходимлари, 103 нафарини эса профессионал суд бошқарувчилари ташкил этади);

► шундай тартиб жорий қилинади, унга мувофиқ давлат солик хизмати органларининг аризалари бўйича қўзгатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказиша:


► тўртминчи тоифали суд бошқарувчиси атtestатига эга бўлган ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари асоциацияси аъзолари ҳисобланган шахслар суд бошқарувчиси этиб тайнинлади;

► қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солик инспекциясининг қарорига асосан, ҳар бир якунланган тугатшига доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан суд бошқарувчиларига энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида ҳақ тўланади;

► соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишида тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчиларига қўшимча ҳақ тўланади;

► суд бошқарувчиларининг фаолияти “фуқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш” ихтинослашуви бўйича лицензияга эга бўлган ва суд бошқарувчиси атtestатини олган адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин;

► суд бошқарувчиларини тайнинлаш кредитор (кредиторларнинг умумий йигилиши ёки кўмитаси) ёки банкротлик ишлари бўйича ваколатли давлат органи ёхуд Ўзбекистон суд бошқарувчилари асоциацияси ва унинг ҳудудий тузилмалари тақдимомаси бўйича суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг баҳолашни ҳисобга олган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.



Қайд этиш керакки, Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг ҳуқук ва ваколатлари шу кунга қадар аниқ белгилаб қўйилмаган эди. Айнан мазкур қарор билан ушбу тузилмага бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Унга кўра, суд бошқарувчиларининг касбий малакасини оширишга кўмаклашиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида Ассоциация ва унинг ҳудудий тузилмалари:

- суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга соловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этади;**
- давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари билан муносабатларда суд бошқарувчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳуқуқига эга;**
- суд бошқарувчиларининг касбий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлади;**

**— суд бошқарувчилари фаолиятини рейтинг асосида баҳолайди, улар томонидан қонун ҳужжатларига, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини мониторинг қиласди.**

Үз навбатида, Президент қарорига муовфика, соҳага доир бир нечта қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган. Хусусан, сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келганлик учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун ва янги таҳирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида” ги Қонуни лойиҳаси шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, қарорнинг қабул қилиниши билан эндиликда солик ва мажбурий тўловларни ундириш кўрсаткичини ошириш, тизимдаги мавжуд коррупция ҳолатларини пасайтириш, кредиторларнинг қарздор мол-мулкларига эга бўлиш учун сарфлаётган қимматли вақти ва молиявий сарф-харажатларини қисқартириш имконияти пайдо бўлади. Тизимда ана шундай шаффофлик ва қулийликларнинг таъминланishi эса, юқорида айтиб ўтилган Халқаро бизнес юритиш рейтингига давлатимизнинг ўрни ва мавқеини яхшилаб олишга ҳам хизмат қиласди.



Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
Ўзбекистон қаҳрамони

## САЪДУЛЛА ҚОСИМОВНИ БИЛГАН БОРМИ?

**«Ораларингда Саъдулла Қосимовни билган борми?» Менинг бу саволимга ҳозирги ёшлар елка қисиб жавоб беради. Кексароқ одамларнинг ҳам кўпчилиги «Йўқ, билмаймиз» дейди. Фақат аҳён-аҳёндагина битта-ярим мункиллаган, лекин қиёфасидан бир замонлар зиёлилар тоифасига мансублиги сезилиб турадиган қария: «Қулогимга чалингандек бўлган эди, лекин ким эканини, нима ишлар қилганини билмайман», дейди афсус билан. Мен бу саволни одамларга кўпдан бери бераман, адаш масам, буни суриштира бошлаганимга камида эллик йил бўлди-ёв...**

... Кўзингизни бир лаҳза юминг, азиз ўқувчим ва ўзингизни бундан етмиш икки йил аввалги Самарқандда деб ҳис қилинг. Ўша кезларда Самарқанд Ўзбекистоннинг пойтахти эди. Табиийки, республикада ҳамманинг нигоҳи унга қаратилган, ўлка ҳаётидаги ҳамма йирик воқеалар пойтахтда содир бўларди. Мана, бугун — 1930 йилнинг 21 июнь куни бу шаҳарда бутун республикани тўлқинлантирган, салкам уч ойдан бери давом этган, довруғи оғизлардан оғизларга кўчиб юрган суд жараёни тугамоқда. Бугун ҳукм ўқилмоқда...

Кўримсизгина бир иморатнинг чоғроқ зали. Уч ойдан бери давом этаётган суд жараёнининг овозаси ҳамма ёқни тутиб кетган бўлса-да, суд залида одам кам. Бунаقا суд мажлисларига кўп одам киритилмайди — улар «очиқ» деб аталсада, аслида «ёпиқ» мажлислардан фарқи йўқ. Фақат судланувчиларнинг яқин қариндошларига-ю маҳсус текширудан ўтказилган тўрт-бешта «томошибин»га рухсатнома берилади, холос.

Ҳукм ўқилаётганига 5 соатлар бўлиб қолди. Авжи саратон, ҳаво дим. Иссиққа чидаб бўлмайди. Одамлар терга ботган, кийимлар жиққа хўл. Суд раиси ҳам овози совукдан-совуқ, худди чаласавод одамдек тутилиб-тутилиб, сўзларни ямлаб, тушуниб бўлмайдиган талаффузда ҳукм ўқимоқда. Залдагилар аллақачон сикилиб, тарс ёрилиб кетадиган даражага етган бўлса-да, миқ этмай тинглашга мажбур — қоидаси шунақа - ҳукмни судъянинг ўзи ўқиб эшиттиради. Унга қолса-ку, аллақачон жонига тегиб улгурган шахидларни ҳам, бу суд мажлисини ҳам ташлаб, жон-жон деб салқингина Москвасига қайтиб ке-



тарди, бу димиқкан залда сувдан чиқариб олинганди, балиқдай, ҳавонинг етишмаслигидан каппа-каппа оғзини очиб ўтирас эди. Аммо ундан қилиб бўлмайди.

Нихоят, ҳамма сабрсизлик билан кутаётган фурсат ҳам етиб келди — судья маҳкумларга қандай жазо берилганини ўқий бошлади:

«Судланувчиларнинг юқорида зикр этилган жиноятларда айбдор эканини аниқлаб, Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг Олий Суди ҲУКМ ҚИЛАДИ :

1. Саъдулла Рашидович Қосимов... олий жазога — отувга, унга тегишили ҳамма молу мулки мусодара қилишига...

2. Бадриддин Шарипов... олий жазога — отувга, унга тегишили ҳамма молу мулки мусодара қилишига...

3. Насриддин Олимов... олий жазога — отувга, унга тегишили ҳамма молу мулки мусодара қилишига...

4. Вячеслав Петрович Спиридонов - олий жазога, молу мулки мусодара қилишига хукм қилинсин.

Бундан ташқари, хукмда Мирсоат Мирзокиров, Акбар Самиғжонов ва Рустамхўжа Иброҳимхўжаевларнинг ҳар хил муддатга қамоқ жазосига хукм қилингандари айтилган эди.

Албатта, бу суд жараёни шунчаки оддий бир жиной ишни кўрмаётгани, балки у сиёсий жараён экани, шунинг учун суд хукми бошқача бўлиши мумкин эмаслиги аввалданоқ ҳаммага маълум эди. Буни маҳкумларнинг қариндошуруғлари ҳам билишарди. Лекин шунга қарамай, бу хукм уларга ногаҳон портлаган бомбадай таъсир қилди. Залда қий-чув бўлиб кетди. Кимdir уввос солиб фарёд кўтарди, кимdir чинқириб юборди. Яна кимdir хушидан кетиб йиқилди. «Сув! Сув беринг!» деган ҳайқириклар янгради. Суднинг котиби йўғон овоз билан залдагиларга ўшқирди: «Жим! Жим бўлинглар!»

Суд аъзолари, терговчилар, жамоатчи ҳимоячилар апил-тапил қофозларини йиғиштириб, залдан чиқиб кетишиди.

Суд мажлиси ана шундай тамом бўлди.

Қосимовнинг иши хақидаги материалларга мен биринчи марта 50-йилларнинг ўрталарида рўпара келган эдим. Номзодлик диссертациямга материал йиғиш мақсадида Ўзбекистонда 20-30-йилларда чоп этилган газета тахламларни ва журналларни синчилаб кўздан кечириб чиқишига тўғри келди. Ўшанда 30-йилларнинг ўрталаридан бошлаб газеталар ва журнallарда бот-бот учраб турадиган бир сарлавҳа эътиборимни тортди. Үнга қараганда, бу мақоланинг адабиётга дахли йўқ эди, лекин сарлавҳаларнинг ҳар бирида шунақа ғазаб ва нафрат бор эди, улардан ларзага тушмасликнинг иложи йўқ эди. Сарлавҳаларнинг ҳаммасида рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам Қосимовнинг фамилияси ҳар мақомда тақрорланар ва ҳар кўйга солиниб таҳқиранарди. Сарлавҳалар турли шаклда бўлса-да, мазмунан бир-бирини айнан тақрорларди. — Қосимов пролетариатнинг душмани, ёт унсур, зааркунанда, порахўр, шуро ҳукуматини ичдан қўпорувчи, бундай газандаларни мажақлаб ташламоқ керак, Қосимов ва унинг думларини таг-туғи билан қуритайлик, бир тўда аксилиқ-лобчиларга қақшатқич зарба берайлик ва ҳоказо... Бундай вахимали мақолалар деярли икки йил, балки ундан ҳам ортиқроқ вақт мобайнида матбуотда мунтазам босила борди. Кейин-кейин бунақа сарлавҳалар йўқолди-ю, ҳар хил мағкуравий масалаларга бағишлиган мақолаларнинг ичидаги ўрни бўлса-бўлмаса, Қосимовчилик қолдикларини аёвсиз фош қилишига ундан даъватлар учраб турди. Албатта, буларнинг ҳеч қайси сининг ажабланадиган жойи йўқ эди — уларнинг бари ўша замонларда шаклланиб қолган янгича



шуро услубига жуда мос тушарди. Бу услубнинг характерли белгиларидан бири шунда эдики, ҳар қайси газета шундай аюҳанносалар ва асабий замзамалар йўли билан ўзининг инқилобий онглилигини, шўроларга, коммунистик партияга садоқати чексиз эканини, синфий курашнинг олдинги марраларида дадил кўкрак кериб бораётганини намойиш қиласарди. Уларнинг ажабланадиган томони бошқа нарсада эди — мақолаларда Қосимов эҳтирос билан, жунбушга тушиб, аёвсиз фош қилинса-да, унинг ўзи ким, нима жиноят қилган, аксилиқлобчилиги нимада кўринади деганга ўҳшаган саволларга уларнинг биронта-сидан тайинли жавоб топиб бўлмас эди. Асалнинг ози яхши деган мақол бор. Шунга ўҳшаш матбуотда босилган гаплар мадхия бўладими ёхуд фош қилувчи мақола бўладими, дастлабки пайтларда үнга чин деб ишонилган. Мен ҳам масаланинг бирор тафсилотидан хабардор бўлмай туриб, Қосимов тўғрисидаги гапларнинг ҳаммасига чиппа-чин ишондим, шуро ҳукуматининг ўн уч йиллигига шунақа бадқирдорлар, маразлар чиққанига ажабландим, уларни ўз вақтида фош қилган ва жазосини берган НКВД ходимларига, суд органларига тасаннолар ўқидим. Бироқ ҳамма нарсанинг ҳам меъёри бўлади. Чинга ўҳшаган ёлғон ҳам меъёрдан ошса, унинг ёлғонлиги ўз-ўзидан билиниб қолади, одамлар ишонмай қўяди. Менда ҳам шундай бўлди — бу одамнинг «ёвуз»-лигига шубҳа уйғонди.

Нихоят, қайта қуриш ва ошкоралик йилларида калаванинг учини топгандай бўлдим. Кунлардан бирида Абдулла Қаҳҳор романларининг ижодий тарихи тўғрисида илмий иш қилаётган шогирдим Раҳмон Кўчкоров «Сароб» романнинг манбалари тўғрисида бир қатор фикрлар айтиб қолди. Улар ҳали адабиётшунослигимизда айтилмаган дадил ва янги фикрлар эди. Мен Раҳмоннинг қандай қилиб бундай фикрларга келганини сўрадим. Аввал унинг айтигиси келмади,

тайсалланди, ҳадеб ижигилаб сўрайверганимдан сўнг у менга учта рисола кўрсатди. Бунинг учови ҳам 30-йилларнинг бошида, рус тилида юпқа муқовада босилган китоблар эди. Улардан бири М.Алексеевнинг «Қўқон мухторияти» деган рисоласи, иккинчи ва учинчиси 1931 йилда Ўзбекистан давлат нашриёти (ЎзГИЗ)да рус тилида чоп этилган «Аксилинқилобия миллатчиликка зарба» ва «Қосимовга қарши, қосимовчиликка қарши» деган китобчалар эди. Уларнинг иккovi ҳам Қосимовнинг ишига дахлдор бўлиб, биттаси Қосимов ва унинг шериклари устидан чиқарилган ҳукм, иккинчиси эса шу иш бўйича давлат қораловчиси Р.Катаняннинг нутқидан иборат эди. Қизиги шундаки, рисолаларнинг учовида ҳам «Абдулла Қаҳҳорнинг шахсий кутубхонаси» деган муҳр босилганди. Китобларнинг сўнгида қизил қалам билан «1932 йил» деб сана кўйилганига қараганда, Абдулла Қаҳҳор ўша кезларда бу китобларни синчилаб, ҳошияларига белгилар кўйиб ўқиб чиққан ва қай бир жойларидан «Сароб» романини ёзишда фойдаланган. Шу воқеадан бир неча мuddат аввал мен Кибриё опанинг ижозати билан уч ёки тўрт кун давомида Абдулла аканинг кутубхонасини «ревизия» қилган эдим — ҳар бир китобни кўздан ўтказиб, уларни муайян тартиб билан қайтадан териб чиққандим. Ўшанда юқоридаги рисолаларга рўпара келганим йўқ. Мен Раҳмондан бу китоблар унинг қўлига қаердан тушиб қолганини суриштирдим. У нимадир деб жавоб бергани эсимда қолмапти. Сўнг бу китобларни ўқиб чиқмоқ учун Раҳмондан сўраб олдим. Лекин уларни ўқишим бир неча йилларга чўзилиб кетди. Рисолалар ҳозир ҳам менинг кутубхонамда сақланмоқда. Хуллас, мен шу рисолалардан ilk марта Қосимов тўғрисида маълумотлар олдим.

Қосимов ва унинг шериклари устидан суд жараёни Самарқанд шаҳрида 1930 йилнинг 25 мартадан 21 июнига кадар бўлиб ўтган. Уларни СССР Олий судининг Жиноят-Судлов коллегияси суд қилган. Раис М.И. Васильев-Южин, суд аъзолари Я.П. Дмитриев ва Фахриддин Нуриев, котиблари А.Ф. Яковлев ва И.С. Дудниченколар

бўлган. Давлат қораловчиси Р.П. Катанян ва Г.М. Островекийлар, оқловчилар Самарқанд округ ҳимоячилар коллегиясининг аъзолари Гречишев, Салмо, Бессонова ва Оллоёровалар иштирок этишган. Суд жараёнида улардан ташқари жамоатчилик қораловчилари сифатида Сотти Ҳусайн билан Жаҳон Обидовалар қатнашган эди. Буни ўқиб, мен foятда таажжуланган эдим, чунки уларни озми-кўпми билардим. Тўғри, Сотти Ҳусайнни кўрган эмасдиму, лекин унинг ёзувчилигидан, «Юксалиш» деган пьеса ёзганидан, кейинроқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири бўлганидан ва 1941 йилда ҳалқ душмани сифатида қамалиб кетганидан хабарим бор эди. Кейинчалик, 60-йилларнинг бошида мен Сотти Ҳусайннинг рафиқаси Фотима опа Йўлдошбоева билан дорулфунунда бирга ишлаганман. Бу аёл асли фаргоналик, кўхликкина, ҳатто 60-йилларда ҳам ҳуснини йўқотмаган, тили бурро, эркаклар билан баравар асқия айта оладиган шаддод аёл эди. Одатда эри қамалса, унинг оила аъзолари ва биринчи навбатда, хотини ҳам қамалар ва сургун қилинарди. Бироқ тақдир Фотима опадан меҳрини аямаган шекилли, у Сталин қатағонларидан омон қолган, ҳатто кўп йиллар партия ва совет идораларида юқори лавозимларда ҳам ишлаган эди. Шахсга сигиниш фош қилиниб, собиқ сиёсий маҳбуслар оқлана бошлигандан кейин, Фотима опа Сотти Ҳусайнни оқлаш учун кўп елиб-югурди, бунга эришди ва унинг кичикроқ ҳажмдаги танланган асарларини нашр этишга ҳам муваффақ бўлди.

Жаҳон Обидовани эса бир неча марта кўрган эдим. У фалати бир аёл эди. Бўйи ўртадан пастроқ, гавдаси эркакларникига ўхашаш ўғонгина, эркакчасига соч кўйган, овози ҳам дўриллаган, шашти баланд, қадам ташлашлари шахдам, гапни чўрт кесиб гапиради. Тўғрисини айтганда, у кўпроқ эркакшода бир кимсага ўхшарди. Уларнинг жамоатчилик қораловчиси бўлганларига кўп таажжуландим. Бу ишга улар, айтидан, содик фуқарочилик туйгулари жўшиб кетганидан ёки бирон тузукроқ амал илинжида рози бўлган бўлишса керак.

Бу ишни СССР Олий Суди кўрганлигига эътибор бериш керак — демак, шўро ҳокимиётининг энг юқори доиралари бу ишга алоҳида ургу берганлар, уни жуда катта ўрнакли жараён сифатида ўтказишга қарор қилишган. Шундай қиммаса бўлмас ҳам эди, чунки судланувчи Қосимовнинг ўзи Ўзбекистон Олий Судининг раиси эди. Уни Ўзбекистон Жиноят Мажмуасининг 63-моддаси билан, яъни аксилинқилобия, аксишшўровия фаолияти учун суд қилишди. Ўз-ўзидан равшанки, аксилинқилобия фаолияти учун бир кишини ёлғиз ўзини суд қилгандилар, суднинг намунали ва таъсирчан чиқмоғи учун аксилинқилобий миллатчилик ташкилоти ҳам керак. Шунинг учун



қора курсига Қосимовнинг шериклари сифатида яна олти кишини ўтқазиб кўйиши. Улар 64 яшар собиқ мударис ва қози Мирсоат Мирзокиров, 40 яшар собиқ адвокат Вячеслав Петрович Спиридовонов, 41 яшар савдогар Насриддин Олимов, 37 яшар савдогар Акбар Самигжонов, 46 яшар собиқ ҳалқ судъяси Рустамхўжа Иброҳимхўжаев, 33 яшар Ўзбекистон Олий Судининг собиқ прокурори Бадриддин Латифович Шарипов эдилар. Лекин булар жиддий жазоларга мустаҳик бўлган бўлсалар-да, расмий доираларнинг хақиқий нијатларини яширмоқ учун бир беўхшов парда эдилар, холос. Асосий мақсад эса Қосимов эди.

Бу ишнинг яна бир эътиборли томони шундаки, Қосимов теварагидаги машмашалар суд жараёни бошланмасдан бирмунча аввал бошланган эди. 1929 йилнинг бошларида юқори ташкилотларга Қосимов устидан юмалоқ хат тушади. Унда Қосимов миллатчиликда, порахўрлика ва яна алланима балоларда айбланади. Бу хатни текшириш учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Назорат комиссияси Растанчин, Аҳмадбек Мавлонбеков ва Корнилов таркибида комиссия тузади. Эътибор беринг — уч кишининг иккитаси Москвадан, бунинг устига, Корнилов ОГПУдан. Комиссия Қосимовнинг изоҳларини ҳам тинглаб ўтирумайди, уни ишдан бўштади ва қамоққа олади. Иш терговга оширилади, Москвадан алоҳида муҳим ишлар билан шуғулланувчи терговчи чакирилади. У уч ой мобайнода ишни обдан тергов қиласи ва Қосимовни айблаш учун асос бўла оладиган бирор гуноҳини топа олмайди(!). Қосимовни озод қиласидар ва ишга тикишга мажбур бўладилар. Бундай ечим олий рутбали шўро идораларини мутлақо қаноатлантирумас эди, негаки, айби борлиги ёки йўқлигидан қатъи назар Қосимов, албатта, йўқ қилинмоғи шарт эди. Хўш, нега?

Менинг назаримда, Қосимовнинг бошига шундай фожиали қисмат тушишига унинг ўзи «айбдор». Суд материаллари билан танишганимда шунга амин бўлдим. Ҳар-ҳолда унинг кам деганда иккита кечириб бўлмайдиган катта «гуноҳи» бўлган. Бу «гуноҳлар»ни ҳамма кечирган-да ҳам шўро ҳокимиюти кечира олмас эди. Шўро ҳокимиюти юритган сиёsat бунақа «гуноҳлар»га лоқайд, бамайлихотир қараб туришга йўл қўймас эди. «Хўш, қандай «гуноҳлар» экан улар?» — дейсизми? Биринчидан шуки, Қосимов фавқулодда истеъдод эгаси бўлган. У жуда зakovatli, ишнинг кўзини биладиган ташабbusкор одам бўлган. Айтидан, унинг табиити ҳам гоят жўшқин, файрати ичига сифмаган йигит бўлган. Шу ўринда ўқувчи «Ие, шошманг, сиз бу одам билан бирон марта бақамти ўтириб гурунглашмаган бўлсангиз, лоақал унинг тўғрисида бирон китоб ёки мақола ўқимаган бўлсангиз, бу инсоннинг фавқулодда истеъдод эгаси эканини қа-



ёқдан биласиз?», дея менга эътиroz билдириши мумкин. Бу — тўғри, мен Қосимов билан учрашмаганман, учрашмоғим мумкин ҳам эмас эди, унинг тўғрисида ҳатто юқорида айтилган иккита рисоладан бошқа ҳеч «қандай материалга» эга эмасман. Аммо суд материалларининг ўзидаги баъзи бир фактларга тузукроқ эътибор берилса, унинг фавқулодда қобилияти тўғрисида қатъий ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Хукмдан ва қораловчининг узундан-узок нутқидан маълум бўлишича, Саъдулла Қосимов 22 ёшидан бошлабоқ суд идораларида ишлай бошлаган. У аввал Тошкент вилоят судининг аъзоси бўлган. Кейин бир йил ўтар-ўтмас вилоят судининг раиси бўлган, 1925 йилда эса, яъни 24 ёшида (!) Республика Олий Судининг раиси лавозимини эгаллаган. Бу республикадаги энг олий лавозимлардан бири эди. Ўз-ўзидан маълумки, бу лавозимга илтимос қилиб юриб ёки таниш-блишичилик, қариндош-уругчилик ёрдамида ва ҳатто пул сарф қилиб ҳам эришиб бўлмасди. Ўша пайтларда Олий суд раиси сайланганни ёки тайинланганни - буни аниқ билмайману, лекин бу лавозимга номзод то уни эгаллагунча катта-катта идораларда обдан синовдан, текширувлардан ўтказилган бўлиши муқаррар. Эҳтимолки, у Москванинг чиғиригидан ҳам ўтгандир. Табиийки, номзод зарур сифатларга эга бўлмаса, бу синовларнинг бирортасида йиқилиб қолиши турган гап эди. Хуллас, унинг бу мансабни эгалламоги учун асос берадиган юксак фазилатлар эгаси бўлганига менинг заррача шубҳам йўқ. Аммо айнан шу нарса унинг фожиасига, бевақт нобуд бўлишига асосий сабаб бўлди. Ахир, маълумки, — мевали дарахт ҳосилга кириши биланоқ унинг танасида ширасини сўриб оладиган қурткумурсқалар, турли ҳашаротлар пайдо бўлади.

Худди шунингдек, одам эътиқодли ва фавқулодда истеъдод эгаси бўлса, улар намоён бўлган куннинг ўзидаёқ, унинг истеъдод ва эътиқоди кушандалари пайдо бўлади. Одамзот табиатида хасад, кўролмаслик, баҳиллик каби қусурлар бошқа ўнлаб хусусиятлар билан бир қаторда мангубий яшайвериши мумкин. Хуллас, Саъдулла Қосимов вилоят судининг раиси бўлган кундан бошлабоқ унинг атрофида кўзга кўринмас душманлари фимирилаб қолишган, республика судига ўтгандан кейин эса улар кўзга тушган оқдек хунук кўринадиган бу «олифта»ни гумдан қилиш йўлига тушишган. Ҳасадгўйларнинг қора ниятлари ўша пайтда большевиклар яратиб улгурган тоталитар тузум шароитида жуда кенг кўламда кўллаб - қувватланган.

Унинг иккинчи «гуноҳи» шунда эдики, у ўзининг судьялик фаолиятида қонуларни пролетариат диктатураси манфаатларини кўзлаб талқин этарди. Натижада, айборларни олий жазога ҳукм қилиш ўрнига ўта кўнгилчанлик билан қанчадир муддатга камоқ жазосига ҳукм қиласди. Шу йўл билан ўзини инсофли, виждонли, диёнатли қилиб кўрсатмоқчи бўлар, «гуманистлик» ниқобини кийиб олишга уринарди. Пролетариат диктатурасида эса бунақа нарсалар уччалик маъкул кўрилмайди. Негаки, виждон деганлари ҳам ўтмишда ўйлаб топилган, учига чиққан буржуя ахлоқининг қуроллари-ку! Инсоф, диёнат деган нарсалар катъий ҳаракат қилишга, синфий душманларни супуриб ташлашга халақит беради, холос. Пролетар диктатураси — мақсадга элтадиган ҳар қандай восита яхши деб ҳисоблайди — керак бўлса, ур, яна мажақла, керак бўлса,

от, ос, заҳарла — нима қилсанг ҳам олий мақсадга, коммунизм салтанатига яқинлашсак бас. Қосимовга ўҳшаганлар эса «қандоқ бўларки? Бу адолатдан эмас-ку», деганга ўҳшаш минғирлашлар билан оёқ остида ўралашиб, умумий ишимизга халақит бериш ва ҳатто, зарар келтиришдан бошқага ярамайди. Шунинг учун ҳар хил Қосимовларни ҳам темир супурги билан аёвсиз супуриб ташлаш керак.

1930 йилдаги олий суд жараёнини акс эттирган рисолалар билан танишиб чиққач, мен бунга қатъий амин бўлдим. Ўшанда ҳукуқшunoslik тарихидаги энг бадбашара, энг манфур, энг беандиша фожиали комедиялардан бири ўйналган экан. Бу «суд жараёни» умуман инсон ҳукуқи, адолат, ҳақиқат деган қадриятларни оёқ остига олиб тепкилаган, одамлар тақдирини ҳал қилишда қонун нормаларига, мантиқа эмас, зўравонликка асосланиб иш юритишининг энг аянчли намуналаридан бири бўлган эди. Бунга амин бўлмоқ учун ишнинг баъзи бир саҳифалари билан танишиш кифоя. Қосимов ва унинг шерикларини суд қилган СССР Олий Суди Жиноят Судлов коллегиясининг суди бошдан оёқ бир томонлама гаразгўйлик билан иш тутган. Суд ҳайъати учун судланувчилар устидан чиқариладиган ҳукм аввалданоқ маълум бўлган. Шунинг учун салкам уч ой давом этган суд жараёни улар учун шунчаки ўйиндан бошқа гап эмас эди. Ундини ҳамма нарса — айнома ҳам, гуноҳкорларнинг сўроғи ҳам, қораловчиларнинг нутқлари ва ҳатто судьянинг саволлари-ю, луқмалари фақат бир нарсага қаратилган — ҳар нима қилиб бўлса-да, Қосимовнинг синфий душман эканини, ашаддий миллатчи эканини, босмачиларнинг малайи бўлганини, савдогарлар, қулоқлар ва бошқа текинхўрларнинг манфаатига хизмат қилганини кўрсатиб бермоғи керак эди. Бу борада, айниқса, давлат қораловчиси Р. Катанян катта жонбозлик кўрсатади.

Баъзи бир мисоллар келтирайлик: қораловчи Саъдулла Рашидович Қосимовнинг 1901 йилда Тошкентда тугилганини айтади-да — шу жойнинг ўзида «майда буржуя оиласидан» деб кўшиб кўяди. Хўш, унинг «майда буржуалиги» нимада экан? Отаси Қосимхўжа Абдурашидов Тошкентдаги атоқли бойлардан бири Юсуф Даудовнинг қўлида гумашта бўлган ва унинг учун дехқонлардан пахта сотиб олиш билан шуғулланган экан, бу ўриндаги чалкашлиkkа қаранг — отасининг исми Қосимхўжа бўлса, Саъдулла нега «Рашидович» бўлади. Бувасининг исмини ота исми ўрнида кўрсатилмайди-ку? Майли, бу ноаникликни сезмаган бўлайлик. У Саъдулланинг отаси нима иш қилганини гапирган жойда «унинг дехқонларни аёвсиз эксплуатация» қилгани таъкидланади. Оддий бир гап, лекин бу ҳам тингловчидан бу хонадоннинг синфий душман

**Фақат қонунгина кўрмасдан туриб бўйсунини талаоб қила олади.**

**Пьер де БОМАРШЕ**

**Жароҳат учунadolatни,  
эзгулик учун фақатгина  
эзгуликни қалқон билинг.**

**Конфуций**

экани ҳақидаги тасаввурни шакллантиришга хизмат қиласы. Холбуки, бу ёлғон гап, пахта сотиб оладиган одам дәхқонни сира эксплуатация қиласы олмайды. Чунки савдо-сотиқ иккى томоннинг ўзаро келишуви, ўзаро розилиги асосида битадиган энг ҳалол ишлардан бири. Буни «эксплуатация» деб аташ нохолисликнинг айнан ўзидир.

Кейин Қосимовнинг маълумоти ўрта экани айтилади. Бу ҳам ғалати. Қосимов 22-йилдан меҳнат фаолиятини бошлади, дейлик. 1922 йилгача бизнинг ўлкамизда ўрта маълумот берадиган мактаб бўлмаган. Бу ҳам майли — бу гапнинг кетидан қораловчи унинг муаллимлари Эшонхўжа Хони ва Мунаввар қорилар бўлганини англатади-да, кетидан уларнинг аксилиңқилобий ва миллатчилик фаолияти тўғрисида сайраб кетади. Хўп, бу гапларни тўғри ҳам дейлик. Лекин уларнинг Саъдуллагага нима дахли бор? Ахир, мактабга борган бола ўқитувчи танлаш имкониятидан маҳрум бўлади-ку? Бу гаплар ҳам Саъдулланинг болалигиданоқ, душманлик руҳида тарбия топганини кўрсатишига хизмат қиласы.

Ёки яна бир бошқа фактни олайлик: машхур адвокат Убайдулла Хўжаев Қосимов раислик қилган баъзи суд мажлислирида оқловчи сифатида иштирок этган экан. Шундан кейин қораловчи ҳар нима қилиб бўлса-да, Қосимовнинг унга яқин дўст бўлганини исбот қилишга ҳаракат қиласы; уларнинг иноклигини далиллаши мумкин бўлган бирорта факт арзиса-арзимаса қораловчининг назаридан четда қолмайди: мана, Қосимов билан Убайдулла Хўжаев бирга овқатланишипти. Мана, суд жараёнидан кейин кўпчилик бирга суратга тушишипти — Қосимов унинг энг садоқатли шогирди сифатида ўнг томонида ўтирибди; мана, улар Андижонда бирга ҳаммомга тушишган экан. Буларнинг бари яна ўша гапни — Қосимовнинг миллатчилигини тасдиқлаш учун керак, чунки Убайдулла Хўжаев Саъдулланинг устози, донги кетган миллатчи ва синфий душман.

Қораловчи Қосимов биографиясидаги энг қизил фактларни ҳам унга қарши йўналтиришга ҳаракат қиласы — бироқ бундай тұхматларни бирор далил билан тасдиқлашдан оқизлик қиласы. Масалан, Қосимов 1920 йилда, яъни 19 ёшида партия сафига кирган экан. Қораловчи бу фактни шундай изоҳлайди: «Қосимов партияга кираётганида унинг моҳиятини ва мақсадларини тушунмаган, кейин тушуниб олган бўлса, унга қарши курашмоқ учун тушунган».

Хўп, булар-ку шунчаки ҳавои гаплар, тұхматнамо бўхтонлар экан, унинг аксилиңқилобичи эканини кўрсатадиган бирор аниқ далил борми? Ахир, шунчалик довруг солган суд жараёнида фактсиз-далилсиз иш юритмаган бўлишса керак? Ҳа, бор. Масалан, Қосимов бир неча марта пора олган дейилади. У баъзи бир тадбиркорларнинг солиини камайтириш ҳақида ҳукм чиқарган



екан. Ёки баъзи бир босмачиларнинг ҳомийлари ва ҳамкорларига ўлим жазоси тайинлаш ўрнига енгил жазолар беради. Бу даъволар ҳам мутлақо далил-исботларсиз айтилган. Албатга, «Ҳа, энди, қораловчи ҳаддан оширган экан-да!», деб унинг гапларига эътибор бермай қўя қолса бўларди. Лекин буларнинг бирон-бир ҳарфи ўзгартирилмаган ҳолда, шубҳа остига олиб бўлмайдиган, исботланган фактлар сифатида ҳукм матнида такрорланган ва Қосимовга олий жазо бериш ҳақида ҳукм чиқаришига асос бўлган.

Саъдулла Қосимовнинг бениҳоя заковатли экани ва ҳукуқшунослик асосларини пухта билиши суд жараёнида ҳам неча марталаб яқол кўринган. У турли бўхтонлар ва тұхматларга индамай кўниб кетаверган эмас, балки имкон даражасида ўзининг ҳақлигини исботлашга ҳаракат қилган, суддан, қораловчидан айбларини далилловчи фактлар ва ҳужжатлар кўрсатишина талаб қилган, ёзма мурожаат қилган. Масалан, бир талабномасида у «Агар мен аксилиңқилобчи бўлсан, буни менга исбот қилиб беринглар!», деб хитоб қиласы. Қораловчи эса унинг бу ҳақли талабига сурбетларча шундай деб жавоб беради: «Сиз ўз хатти-ҳаракатларингизнинг оқибатлари қандай бўлишини олдиндан кўргансиз, сиз ўз фаолиятингиз билан совет ҳокимиятининг обрўйига путур етказаётганингизни олдиндан билгансиз. Шунинг ўзи бизга кифоя!»

\* \* \*

Отилиш ҳақидаги ҳукм 1930 йилнинг 21 июнь куни ўқилди. Лекин улар қачон, қаерда отилган, қабрлари қаерда — бу ҳанузга қадар маълум эмас. Бироқ мен аминман — ёш тадқиқотчилар қаочонлардир бунинг тагига етишади.

**Мақола Озод ШАРАФИДДИНОВнинг  
«Довондаги ўйлар» китобидан  
қисқартириб олинди.**



# ЮЛДУЗНИ БЕНАРВОН УРГАН ЙИГИТ

**Абдуманнон ШАЙДОЕВ,**  
Бухоро вилояти Жиноят ишлари  
бўйича суди раиси ўринbosари,  
**Набижон ЖАЛОЛОВ,**  
“Odillik me’zoni” журнали мухбери

**Нафс инсонни залолатга элтувчи энг олгирийт ўйлбоши чидир. У ҳакалак отса, одам боласи Сулаймон тогини ҳам ямламай ютади. Шунинг учун ҳазрати пайгамбаримиз саллаллоҳу алаихи вассалламдан тортиб, авлиё боболаримиз ва баъзи покдамон ота-оналаримиззагача нафсниг оғатларидан огоҳлантириб келганлар. Бирор индамаса, тог нима экан... Рост, бу гапларимизга ишонмагувчилар ҳам бор. Балки улар “давринг келди, сур, бегим”, деган иборани эшиитмаган чиқарлар.**

Унда бизга қулоқ тутиңг!  
Бухорои шариф томонларда кўз кўриб, қулоқ эшиитмаган фирибгарлик воқеаси со-дир бўлди. Эҳтимол уни ким содир этди, дерсиз. 1988 йил 24 ноябрда туғилган (гўё муштадайлигидаёқ товламачилар университетини татомолагандек) Ҳамроев Мирали Мустафоевич бўлади ўша “қаҳрамон”.

У Бухоро давлат университетининг 4-босқичида ўқиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси ҳузуридаги Бухоро тумани ахборот-маслаҳат маркази директори лавозимида ишлаб келган.

Унга бу борада таниши Фахриддин Баратович Базаров хўпам иш берди-да. Қараса, Бухоро тумани Шехонча маҳалла фуқаролар йигини худудига кирувчи “Паризод” тўйхонаси яқинида уч гектар бўш ер майдони бор экан. Ф.Базаровга шу ерни аукцион савдолари орқали олиб беришни ваъда қиласди. Бунинг эвазига ундан мўмайгина пул сўрайди. Бу Ф.Базаров деганлари тушидан қўрқанмиди, нима бало, хуллас, Бухоро

шахри, Халқобод кўчасида жойлашган (1-уй, 5-хонадон) ўз уйида М.Ҳамроевга нақд 30 000 (ўттиз минг) АҚШ доллари (98 407 500 сўм) миқдоридаги пулни санаб беради. Элимизда “юраги отнинг калласидай” деган гап бор. Бу “тирранча полвоннинг” юраги китнинг калласидаймиди, кўрқмаганини қаранг.

Ана, энди М.Ҳамроевнинг нафси ҳакалак ота бошлиди, осонгина катта пул ишлаб олгани унга шашт беради. Яна ўша Ф.Базаровга туман худудида кўплаб ер майдонлари аукцион савдоларида сотилаётганини айтиб, ҳамкорликка чорлайди, яъни мазкур ерларни арzon-гаров сотиб олиб, ерга муҳтож анқовроқ фуқароларга пуллаш ва мўмайгина даромад қилиш мумкинлигини тушуниради. Воқеанинг буёгини эшиитсангиз, хурматли муштарий, ё хушдан оғасиз, ё ёқангизни тутганча мум тишлайсиз. Ё анони М.Ҳамроев фирибгарликда ўта маккор, устомон, ёки манови Ф.Базаров ҳукукий саводсиз, пул топиб, ақл топмаган ўта кетган меров одам, дея ўйлашингиз тайин.

Кўйингки, М.Ҳамроев Ф.Базаровни ўз “бизнеси”га қизиқтириб, 2017 йилнинг январь ойи охирларида ундан 5 000 (беш минг) АҚШ доллари (16 401 250 сўм) ва 35 000 000 (ўттиз беш миллион) сўм микдоридаги пулни куртдай санаб олади. Қарайдики, бирор мушугини “пиш” демаяпти ёки анови ювошина шериги миқ этмаяпти. Ана ундан кейин у “давр суриш”ни бошлайди: Ф.Базаровдан 2017 йилнинг апрель ойи бошларида 40 000 (қирк минг) АҚШ доллари (148 248 800 сўм), шу ойнинг охирларида 10 000 (ўн минг) АҚШ доллари (37 062 200 сўм) ва 200 000 000 (икки юз миллион) сўм, 2017 йилнинг 6 май куни 20 000 (йигирма минг) АҚШ доллари (76 926 600 сўм) ва 160 000 000 (бир юз олтмиш миллион) сўм, 8 май куни эса, 17 000 (ўн етти минг) АҚШ доллари (65 387 610 сўм) ва 200 000 000 (икки юз миллион) сўм, жами 939 026 460 (тўқиз юз ўттиз тўқиз миллион йигирма олти минг тўрт юз олтмиш) сўм микдоридаги пулларни олиб, ўз шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборади.

Яшаворинг-ей, мулла Базаров! Ҳотами Той тирилиб келса ҳам сизнинг олдингизда ип эшолмаса керагов! Нима бало, “пул заvodингиз” бормиди, а? Ё М. Ҳамроев сизни гипноз қилиб қўйганмидийкин?

Билсак, гап бошқа ёқда экан: М. Ҳамроев “саҳий шериги”ни хотиржам қилиш учун Алининг дўйписини Валига кийдиришга тушибди. У Ф.Базаровнинг ишончини қозониш, келгуси режаларини бемалол амалга ошириш мақсадида сохта хужжатлар тайёрлашдан ҳам тоймаган. Яъни, Бухоро тумани, собиқ Работиқалмоқ ҚФЙ Дехча қишлоғи худудидаги тикув цехи қуриш учун ажратилиб, янгаси М.Аҳмедова номига расмийлаштирилган 9/12 сонли архитектура-қурилиш топшириги хужжатларини сохталаштирган. Унинг асл нусхасини 2017 йил 17 марта сканер ёрдамида ўзгартириб, гўёки 9/12 сонли архитектура-қурилиш топшириғига биноан Шеҳонча МФЙ худудидаги ер Ф.Базаровнинг турмуш ўртоғи Г. Алимованинг номига савдо ва маший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун расмийлаштирилганлиги тўғрисида хужжат тайёрлаган. Ушбу хужжатнинг аслини 2017 йил 17 марта куни яна сканер ёрдамида ўзгартириб, мебель ишлаб чиқариш ҳамда дурадгорлик устахонаси қуриш учун фуқаро Ф. Ҳакимовга ажратилганлиги тўғрисида сохта хужжат тайёрлаган. Фақат бу сафар унинг рўйхатга олиш рақамини 9/13 сони билан ўзгартириб қўйган. Сўнг ҳар икки сохта хужжатни 2017 йилнинг

20 май куни Ф.Базаровга бериб, ишончига кирган.

М. Ҳамроев ҳуқук-тартибот органлари томонидан қўлга олингач, турган гапки, юқоридаги қилмишларининг барини инкор этган. Ҳатто Ф. Базаровни судхўрликда, яъни одамларга фоиз олиш мақсадида пул беришда айблаган. Бунинг учун гўё ундан фоизи билан қарзга қайта-қайта пул олиб, қарзини қандай қийинчиликлар билан қайтишга уринганлигини исботлаш мақсадида шунақаям рақамлар “лабиринти”ни ўйлаб топганки, бунака ишни буюк математиклар ҳам амалга ошириши мушкул. Ниҳоят Ф. Базаровдан мутлақо қарзи қолмаганлигини исботлашга уринган. Шунинг асносида, Ф. Базаровнинг укалари — Нажмиддин, Баҳриддин, Фазлиддин ва ўғли Улуғбеклар ўз уйларида



унинг машинасини тортиб олишга ҳаракат қилганликлари ҳақида маълумот берган. Бу ҳам унга камлик қилиб, Фаҳриддин билан Баҳриддин уни калтаклаганликларини, Нажмиддин эса қаердандир ов қуролини топиб чиқиб, акасига берганлигини айтади. Акаси, яъни Ф. Базаров милтиқни унинг бўйнига тираган ва уч нафар фарзандининг аъзоларини донарликка беришга розилиги ёки ундан 197 000 (бир юз тўқсон етти минг) АҚШ доллари микдорида қарз олганлиги тўғрисида тилхат ёзишини талаб қилганлиги ҳақида баёнот берган. Кейин эса ака-укалар тилхатни долларда эмас, сўмда ёзишини буюришганмиш. Хуллас, М. Ҳамроев Ф. Базаровдан 1 576 000 000 (бир миллиард беш юз етмиш олти миллион) сўм қарзи борлиги ҳақида тилхат ёзиб берган. Ака-укалар бунга ҳам қониқмай, уни курол билан кўркитиб, юқорида келтирилган суммани Ф. Базаровдан олганлиги ва уни туман ҳокимлигидаги мансабдор

шахсларга ер олиб бериш учун “узатганиги” тўғрисида тилхат ҳам ёзишини талаб қилишган эмиш. У ноилож бу мазмундаги тилхатни ҳам ёзиг берганмиш. Қўйингки, М. Ҳамроевнинг эртаги узоқ давом этган. Уни охиригача ёзишга қалам ожиз, эшишишга эса сизнинг бардошингиз етмайди, хурматли муштариий.

Суд жабрланувчи Ф. Базаровнинг, гувохлар – Нажмиддин, Фазлиддин, Баҳриддин Базаровларнинг, Мустафо Ҳамроев (судланувчининг отаси), О. Сафарова (унинг хотини), И. Қосимов ва бошқаларнинг кўрсатмаларини обдон ўрганди. Судланувчига ён босгандар ҳар қанча чиранмасинлар, адолат қарор топди. Натижада М. Ҳамроев жуда катта миқдордаги пул билан боғлиқ турли фирибгарликларни амалга оширганини аён бўлди. Энг асосий гап: 1 572 000 000 (бир миллиард беш юз етмиш икки миллион) сўм пулни М. Ҳамроев уй-жой қуришга қонуний равишда ер майдони ажратилиши учун олганлиги тўғрисида тилхат ёзиг берган – бу судда исботланди.

Демак, бу борада унинг оила аъзолари ҳам айбдордирлар. Чунки жигарбандини бу қилимашлардан олдинроқ қайтарсалар бўларди!

**Хукм ўқилди. Мирали Ҳамроев ўз жазосини олди. 1 587 958 000 (бир миллиард беш юз саксон етти миллион тўқиз юз эллик саккиз минг) сўм Фаҳриддин Базаровга қайтариладиган бўлди. Яъни адолат қарор топди. Лекин...**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь куни қабул килинган “Жамията ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонида, куйидагилар белгиланган: “Ҳукукий онг ва ҳукукий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувознатни сақлаш foяларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатмоқда”.


Дарҳақиқат, шунча олди-бердиларнинг бевосита ва билвосита иштирокчиси ва “бош қаҳрамон”ларидан бири Ф. Базаров ҳукукий жиҳатдан саводхон бўлганида эди, ушбу жиноят балки содир этилмасмиди? Тавба, шу қадар кўп миқдордаги пулларни етти ёт бегонага сўраб-суриштирмай, ҳатто гувоҳларсиз бериб юбораверса. Ахир шу ишларни қонуний йўл билан ҳам амалга ошириш мумкин-ку! Ўшанда ҳам арzon, ҳам осон эришмасмиди ўз мақсадига! Ф.Базаров бу пулларни йўнаб эмас, меҳнат билан топгандир ахир! Демак, жамиятимизда ўқув юртлари, маҳаллалар, уюшмаган ёшлар, корхона ва ташкилотлар, айниқса, тадбиркорлар ўртасида ҳукукий онг ҳамда ҳукукий маданиятни юксалтиришга астойдил бел боғлашимиз лозим экан.

Афсус, бир ёш умр хазон бўлди. Балки энди кўзи очилиб, уйига эл қатори яшашни ўрганиб қайтар? Шунга умид қиласиз.

Лекин, ҳамма нарсани бош деворга тегмасидан олдин ўйлаш лозим. Илло бизнинг давлатимизда содир этилган жиноятга, албатта жазо муқаррар!



Судланувчи бу фирибгарликларни ҳали ўттизга ҳам етмаган ўшида амалга оширган. Қизик, шунча устомонлик “санъати”ни кимдан ўргандийкин бу юлдузни бенарвон урувчи йигит? Отаси билан турмуш ўртоғининг суд жараёнида уни астойдил ҳимоя қилишларидан ва у тўқиган эртакларини тўтикушдай такрорлаганликларидан маълум бўладики, унинг ўзи-хон, кўланкаси-майдон” бўлган. Ростдан ҳам бирор мушугини “пишт” демаган. Акс холда, йигитнинг аввалроқ кўзи очилармиди?



Мирзо КЕНЖАБЕК

# ОНА ЎЗБЕКИСТОН

*Юртга мақтov эмас, мухаббат керак,  
Яна ўз сўзимга қайтдим, гумон йўқ:  
“Ўзбек кўп бутун ер юзида, аммо  
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!”*

*Азизлар исмига ватандир нисбат,  
Елгай юрт номида суворий бўлиб:  
Бежизми, Исломил ўғли Муҳаммад  
Жаҳонга танилди Бухорий бўлиб.*

*Жаҳолат најсotга бўлолмас гаров,  
Гарчи дунё иши бўлур нисбатан.  
Ватанин юксакка кўтарса бирор,  
Бирорни юксакка кўтаргай Ватан!*

*Маҳшар талошида иймондан бўлак  
Нима бор најсotга бергувчи имкон? –  
Термизий бермаса маънодан дарақ,  
Термизни танирди қайси бир инсон?!*

*Пайғамбар боғида тушиб кўриб озод,  
Фақих деб аталди, бўлди юртга зеб:  
Дунёни гафлатдан уйготган бу зот  
Аталди Абул-Лайс Самарқандий деб!*

*Адолат зимнида гуркирап ҳаёт,  
Бўлмас мухаббатсиз шижоат, азм.  
Ошиқ Хоразмийлар қокмаса қанот,  
Қайга ҳам учарди буюк Хоразим?!*

*Азиз Ўзбекистон! Сени ким севмас,  
Азизлар бешиги, эй шонли юрак!  
Эл баҳти сен билан бўлса чамбарчас,  
Сенинг ҳам эл билан баҳтинг муштарак.*

*Йўлинг пок, сафаринг бехатар бўлсин,  
Абадият сари талпин, елиб уч!  
Ким аслий Ватандан бехабар бўлса,  
Умри пуч, сўзи пуч, гоялари пуч.*

